201__ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

7 (491) ● 2018 йил 14 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ, СТРАТЕГИЯ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 13 февраль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси Ким Донг Ённи қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик барқарор суръатлар билан кенгайиб, анъанавий дўстона алоқалар ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Корея Республикасига 2017 йил ноябрь ойида амалга оширилган тарихий ташриф ва унинг якунлари бўйича эришилган келишувлар Ўзбекистон – Жанубий Корея ўзаро манфаатли ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилгани ва аниқ амалий мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди.

Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,3 миллиард доллардан ошди. Тасдиқланган "йўл харитаси"га мувофиқ, бугунги кунда мамлакатимизда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд 60 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Ўзаро ҳамкорликнинг ўтган даврида Ўзбекистон иқтисодиётига Жанубий Кореядан жами 7 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилинди, Корея Республикаси компаниялари иштирокида 500 дан ортиқ корхона ташкил этилди.

Жанубий Кореянинг илғор тажрибаси, билим ва технологияларини мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳасига жорий этишга қаратилган қўшма дастур ва тадбирлар фаол рўёбга чиқарилмоқда. Ушбу мамлакатнинг етакчи мутахассислари Ўзбекистон вазирлик, идора ва ташкилотларига маслаҳатчи сифатида жалб қилинган.

Маданий-гуманитар, фан-таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация, банк-молия ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Корея Республикаси раҳбарияти ва халқини Пхёнчхан шаҳрида қишки Олимпия ўйинлари бошлангани муносабати билан самимий табриклади, ушбу нуфузли халқаро спорт тадбирининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Ўз навбатида, Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Президент Мун Чжэ Иннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Меҳмон Ўзбекистон раҳбарияти Корея Республикаси фуқароларига визасиз тартиб жорий этиш ҳақида қарор қабул қилгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизга сайёҳлар оқимини салмоқли даражада ошириш ва ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашув якунида Ким Донг Ён Жанубий Корея мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенг миқёсли ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони талабларини амалга ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хориж мамлакатларининг солиқ қонунчилиги ва маъмуриятчилиги соҳасидаги синалган илғор ютуқларини имплементация қилиш ишлари қониқарсизлигича қолмоқда.

Бу республика солиқ органлари фаолиятини, жумладан, уларнинг солиқ тўловчилар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, солиқ қарзларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, солиқ назоратининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Солиқ маъмуриятчилиги ва солиққа тортишнинг замонавий усулларини, солиқларнинг тўлиқ йиғилувчанлиги ва бюджетга ўз вақтида тушиши устидан самарали назорат механизмларини жорий этиш орқали солиқ-бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш, бюджет жараёни шаффофлиги даражасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳасини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

2-бет

Демократик кучлар блоки

ҲАМКОРЛИКДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларидан иборат Демократик кучлар блокининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурининг самарали ижросида депутатлар ва депутатлик бирлашмаларининг иштироки" мавзусида ташкил этилган тадбирда Демократик кучлар блокининг Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов иштирок этди.

2-бет

Кўрик-танлов

АЛИШЕР НАВОИЙ МАНГУ БАРҲАЁТ

БУ "НАВОИЙ ВОРИСЛАРИ" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ЯНА БИР БОР НАМОЁН БЎЛДИ

Буюк мутафаккир, газал мулкининг султони Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг юксак инсонпарварлик гоялари билан йўғрилган асарлари мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар рўёбида муҳим ўрин тутади. Навоий мероси бизни, аввало, ота-боболаримиз йўлини муносиб давом эттиришга, ҳамиша эзгулик яловини маҳкам тутишга, маънавий камолот ва саодатга интилиб яшашга ўргатади. Шунингдек, адиб ижоди, лирикаси, газалларининг мавзу йўналиши, талқини, изоҳлари, шоир шеъриятидаги жанр, тимсолларга доир машғулотлар ёшлар, китобхонларнинг билими, маънавий дунёсини бойитиш ва янада кенгайтириш имконини беради.

3-бет

Фракция фаолияти

ОМБУДСМАН АХБОРОТИ, ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, тегишли идора ва ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эъзозлаб келинмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, мамлакатимиз парламентининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш, муҳофаза қилиш борасида етарли ҳуқуқий асос, катта амалий тажриба, салоҳият ва имкониятга эга институтга айланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларига доир шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Омбудсман фаолиятининг энг муҳим йўналишларидандир. Унинг бу борадаги фаолияти янада такомиллашиб, фуқаролар мурожаатларини ижобий ҳал қилишдаги иштироки кенгайиб бораётгани эътиборга молик.

4-бет

Муаммо ечим топди

ТАРИХИЙ ТЕПАЛИКДАГИ БОЗОР КЎЧИРИЛАДИ

Қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос тарихга эга. Шаҳар ва қишлоқларимизда бой тарихимиздан далолат берувчи меъморий обидалар, қадимий шаҳарларимиз халқимизнинг беқиёс яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳиятининг кўзгусидир. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини ошириш, соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм каби тармоқларини ривожлантириш, айниқса, муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат зиёрат туризмини шакллантириш зарурлиги таъкидланган эди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳудудидаги минглаб тарихий ёдгорлик ва маданий мерос объектлари, аввало, аждодларимиз даҳоси, ўтмишимиздан дарак берувчи манзил сифатида қадрли бўлса, иккинчи томондан, улар туризм омили сифатида ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутади.

4-бет

Бугуннинг гапи

ОЛАМДА БИР НЕЪМАТ БОР...

ЁХУД "ЎЗСТАНДАРТ"НИНГ СТАНДАРТИ НЕЧТА?

Нон — ризқ-насиба, тўкинлик рамзи. Халқимиз азалдан нонни азиз неъмат ҳисоблайди. Шу боис бирор нарсага эҳтиром билдирса, "нондек азиз", "нондек мўътабар", дея нон сўзини қўшиб айтади. Мамлакатимиз гербида галла бошоғи тасвири туширилгани ҳам ўзбек халқининг буғдойга, нонга алоҳида ҳурмат-эътибори ифодасидир.

Бугун савдо дўконлари ёки бозорнинг нон растасидаги тўкин-сочинлик, хилма-хилликдан кўзингиз қувнайди. Нон ва нон маҳсулотларининг кўплиги, тўкислиги чиндан ҳам ризқи бутун халқ эканлигимиздан далолат беради.

— Бир вақтлар нон дўконларидаги маҳсулотлар турлари ҳозиргидек хилма-хил бўлмасди, — дейди сергелилик Ботир Жаҳонов. — Буханка нон учун баъзида соатлаб навбатда турардик. Истиқлолимиз шарофати билан юртимиз ободликка, халқимиз фаровонликка эришди. Нонга навбатга турган дамлар ортда қолди. Энди ҳар қадамда нон дўконлари, уларда турли-туман нон маҳсулотлари...

Насибамизнинг бутунлиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги йўлида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган жамоалар самарали меҳнат қилаётир.

6-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

www "Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

< **Давоми.**
Бошланиши 1-бетда.

солиқ қонунчилиги ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳлар 2-3-иловаларга мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссияси (А.Н.Арипов) тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга:

умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартлар талаблари ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига жавоб берадиган нормалар яратилиши;

солиқ назоратининг хорижда кенг қўлланилаётган илғор ва синалган шакл ва усулларини жорий этишни ҳисобга олган, жумладан, халқаро эксперт ва маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда солиқ маъмуриятчилиги механизмларини қайта кўриб чиқиш;

республика стратегик манфаатлари ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичини ҳисобга олган ҳолда, солиқ соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий солиқ қонунчилигига имплементация қилиш, шунингдек, самарали давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш;

солиққа тортиш ва солиқ маъмуриятчилиги масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан икки хил талқин қилиниши мумкин бўлган нормаларни чиқариб ташлаш мақсадида уларни инвентаризация қилиш;

тўғридан-тўғри амал қилувчи нормаларни кўпайтирган ҳолда, солиқ қонунчилигини унификация қилиш;

солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчилар ҳуқуқларининг ҳимоясини изчил таъминлаш;

солиқлар йиғилувчанлиги даражасини ошириш, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва йиғимларнинг тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлаш, солиққа тортилишдан бўйин товлаш имкониятини истисно қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий солиқ юкини пасайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳасида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишни таъминлаш, самарасиз солиқ ва йиғимларни бекор қилиш;

кичик ва йирик бизнес субъектларининг солиқ юкини максимал даражада баробарлаштиришга хизмат қиладиган усулларни жорий этиш;

хориж мамлакатларининг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалдаги солиққа тортиш тизимини танқидий ўрганиш асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқиш механизмини соддалаштириш;

"солиқ имтиёзи" ва "солиқ преференцияси" тушунчаларини аниқ чегаралаш, вақтинча имтиёз бериш муддатларини белгилаш, шунингдек, самарасиз ва эскирган солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш;

тадбиркорларга бизнеснинг ўрта муддатли истиқболда ривожланишини асосли равишда прогноз қилиш имкониятига эга бўлишлари учун солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин.

3. Республика комиссияси (А.Н.Арипов) ва ишчи гуруҳлар етакчи олим ва юқори малакали мутахассислар – экспертлар, тадбиркорлик тузилмалари ва жамоат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда, жаҳоннинг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги "Молия, солиқ ва божхона органлари фаолиятини танқидий ўрганилишини ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ солиқ органлари фаолиятини танқидий ўрганиш натижалари асосида:

биринчи босқичда – 2018 йил 1 апрель кунига қадар Ўзбекистон Республикаси солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш;

иккинчи босқичда – 2018 йил 1 июль кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқишни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишга халқаро эксперт ва маслаҳатчиларни жалб қилишда кўмаклашсин.

5. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Содиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 февраль

Демократик кучлар блоки

ҲАМКОРЛИКДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Кун тартибидаги масалалар юзасидан ЎзМТДП фракцияси вакили Нодир Мухторов, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Шуҳрат Бафоев маъруза қилди.

Қайд этилганидек, "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш соҳаларида устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, Олий Мажлис палаталарининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлигига доир вазифалар парламент қуйи палатаси депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди. Айниқса, ҳар бир йўналиш ва соҳада қатор янги қонун лойиҳалари ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасида аниқ мақсад-вазифалар ўз ифодасини топгани қонун ижодкорларидан янада юксак фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади.

— Давлат дастурида қонун ижодкорлигида янгича ёндашувни назарда тутадиган Қонунчилик ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш кўзда тутилган, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодир Мухторов. — Демократик кучлар блоки аъзолари, энг аввало, соҳадаги миллий тажрибамизга, шу билан бирга, ривожланган хорижий давлатларнинг илғор амалиётини чуқур ўрганиш асосида адолатли, халқчил ва ҳаётий қонун ҳужжатларини яратишнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш ҳақидаги таклифлар билан фаол иштирок этиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, маъмурий, жиноят ва фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда юридик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда Демократик кучлар блоки аъзоларининг биргаликдаги ҳаракатлари самарали натижа беради. Умуман, Давлат дастурининг ҳар бир йўналишида кўзда тутилган мақсад-вазифалар ЎзМТДП ва ЎзЛиДеП дастурий ғояларига ҳамоҳанг ва муштараклиги иккала партия фракциясидан иборат Демократик кучлар блоки вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Шундай экан, Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш, ҳар иккала партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб парламент эшитувлари ташкил этиш, парламент сўровлари юбориш каби ташаббуслар билан чиқишимиз лозим.

Йиғилишда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзолари Давлат дастурининг тўртинчи ва бешинчи йўналишларида белгилаб берилган устувор вазифалар, яъни ижтимоий соҳани ривожлантириш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, миллий манфаатлар устуворлиги ЎзМТДП сайловолди Платформасига тўлиқ мувофиқ келишини таъкидлади. Оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш, давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, маданий ва археология мероси объектларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш тизимини такомиллаштириш, зиёрат туризми, тиббий туризм, агротуризм сингари истиқболда кутилаётган лойиҳалар тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

Йиғилишда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳам муҳокама этилди.

Мазкур фармонда кўзда тутилган вазифалар соҳа ривожини жадаллаштириш ҳамда мамлакатимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилади. Унга мувофиқ 7 давлат фуқароларига республикамиз ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланади, 39 мамлакат фуқаролари учун Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучер тақдим этишга оид талаб бекор қилинади. Мамлакатимизнинг туристик, маданий, табиий ва спорт салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий туризм маҳсулотларини тарғиб қилиш маркази" давлат унитар корхонаси "Миллий PR-маркази" давлат унитар корхонаси сифатида қайта ташкил этилмоқда.

— Мазкур фармон ЎзМТДП дастурий вазифалари билан ҳамоҳанг эканлиги унинг ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларимиздан фаолликни талаб этади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев. — Фармонга асосан "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" номи остида мамлакат бўйлаб таништирув саёҳатлари ва турларини ташкиллаштиришнинг кенг миқёсли дастури ишга туширилади. Унинг доирасида бир миллионга яқин фуқаролар, шу жумладан, ўқув муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, ногиронлиги бўлган болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, ишчилар, нафақахўрлар, маҳалла фаоллари, аёллар ва аҳолининг бошқа қатламлари ҳам мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш имконига эга бўладилар. Бу партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар, жумладан, туризмнинг фуқароларни миллий ғурур ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрнини оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда қайд этилганидек, фармонда туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида назарда тутилган қатор мақсад-вазифалар Демократик кучлар блокининг биргаликдаги фаолиятини янада жонлантиради. Фармон ижросини таъминлаш ва назорат қилишда блок аъзолари фаол иштирок этади. Шу боис фармон ижроси юзасидан Демократик кучлар блокининг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди. Мазкур режани жойлардаги ҳар иккала партия ташкилотлари ва гуруҳларига юбориш, уларнинг ҳам фаол иштирокини таъминлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Демократик кучлар блокининг 2018 йилга мўлжалланган иш режаси йиғилиш иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди. Парламент қуйи палатасидаги мазкур сиёсий блок фаолиятини янада кучайтириш, қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар бериш, ташаббус кўрсатишда фаоллигини ошириш лозим. Қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишда ҳамкорликдаги ишларни мунтазам олиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан Демократик кучлар блокининг тегишли қарори қабул қилинди ва 2018 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган "Медиация тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2018 йилнинг 5 январь куни биринчи ўқишда қабул қилди. Қонун лойиҳаси айни пайтда кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмоқда.

НИЗОЛАР ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ

Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда низоларни мустақил шахслар — медиаторлар иштирокида бартараф этишнинг муқобил усулларини ривожлантириш, судлар зиммасидаги юкни енгиллаштириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Медиация — можарони холис, адолатли, бундан манфаатдор бўлмаган учинчи томон, яъни медиатор иштирокида ҳал этишнинг муқобил шакли. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида низоларни ҳал қилиш учун медиацияни қўллаш, тарафлар — фуқаролар ва ташкилотлар, шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг вақтини тежаш ва суд харажатларини қисқартиришга имкон беради. Уларда низони судгача олиб бормасдан тез ва арзон, қулай жой ва вақтда ҳамда махфий равишда ўзаро мақбул келишувга эришган ҳолда ҳал қилиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, тарафлар ўртасида ишбилармонлик муносабатлари сақланишига эришиш мумкин. Ва яна суд муҳокамаси билан боғлиқ ишлар бўйича адвокатларни жалб этиш, давлат божи ва харажатларни қоплаш шарт эмас.

Бугун мамлакатимизда медиацияга ўхшаш яраштирув амалиёти муайян даражада қўлланилмоқда. Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қўшнилар ўртасидаги ҳамда оилавий низоларни яраштириш билан боғлиқ фаолиятини медиацияга қиёс қилиш мумкин. Чунки юртимизда азалдан маҳалла оқсоқоллари қўшнилар, оила аъзолари ва эр-хотин ўртасидаги низоларни ҳал этишда бош-қош бўлган. Фарқи: ушбу фаолият "медиация", деб аталмаган.

Бугунги кунда хорижий давлатларда медиация институтининг ривожланаётгани ва қўлланилаётгани мамлакатимиз ҳуқуқий тизимига фуқаролик, оила, меҳнат ва бошқа низоларни ҳал этишда медиацияни жорий қилишни тақазо этмоқда.

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши билан ҳуқуқий тизимда низоларни муқобил ҳал этиш институтларини қўллаш бўйича биринчи қадамлар ташланди. Аммо қонунчилигимизда ҳозирда медиация тушунчасининг таърифи ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодекси асосан келишув битимларини тузишни тартибга солувчи меъёрларни ўз ичига олади. Амалдаги қонунчилигимиз тарафларга низоларни судгача ҳал қилиш имкониятини беради. Тарафлар фуқаролик ҳамда иқтисодий судлов ишларини юритишда суд процессини исталган вақт ва босқичда келишув битими тузган ҳолда тугатишлари мумкин.

Иқтисодий процессуал кодексининг айрим меъёрлари медиацияга ўхшаш келишув битимидан фойдаланишга йўл кўяди. Аммо унда келишув битимига фақат суд воситасида эришилади, давлат божи ундирилади, медиация низони суддан ташқари ихтиёрий равишда ҳал этиш усули ҳисобланади.

Ушбу тартиб "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунда ҳам белгиланган (17-19 моддалар). Унга мувофиқ хўжалик юритувчи субъект ҳуқуқ ва манфаатларини бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақли. Иккинчи тараф талабномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт. Томон рад (қисман рад) жавобини олган ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек, хўжалик шартномалари юзасидан талабнома билдирмай ҳам хўжалик судига даъво аризаси бериши ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиши мумкин. Бироқ қонунчилигимизда "талабнома", "талабнома тартиби" ёки "низони судгача ҳал қилиш тартиби" тушунчаларига таъриф берилмаган.

Медиация асосан никоҳ шартномаси, вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш, шунингдек, никоҳдан ажратишга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал қилишда қўлланилиши мумкин. Оила кодексининг 40-моддаси иккинчи қисмида никоҳдан ажратишда суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлаши белгиланган.

Медиация эр-хотинга Ўзбекистон Республикасида қонунчилик йўли билан ярашувга эришиш имконини беради. Алиментга оид ҳуқуқий муносабатларда медиация алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент олувчи ўртасида келишувга эришиш воситаси сифатида хизмат қилади. Бироқ вояга етмаган болаларга тўланадиган алимент суд тартибида ундириладиган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

Медиация вақт, маблағ, энг асосийси, эмоционал ресурсларни тежашга имкон беради. Бироқ у мутлақо янги тушунча ёки янги мавзу эмас. Чунки адвокатлар ҳам кўпинча шунга ўхшаш, яъни воситачи сифатида қатнашишига тўғри келади. Бундан ташқари, нотариуслар ҳам жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашади.

Бугун амалиётга медиация институтини киритиш, фуқаролик ва иқтисодий судлов ишларида муқобил воситалардан фойдаланиш, яъни тарафлар ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш тартибини кенг жорий этиш вақти келди. Шу билан бирга, медиация тадбиркорлик субъектлари учун айрим низоларни осон ва тез ҳал қилиш имконини беради. Мухтасар айтганда, медиация ижтимоий тинчликнинг воситаси сифатида қўлланилади: тарафлар низони тўхтатади, келишув битимини тузишга ҳаракат қилади ва бунинг барчаси тузиладиган битимларнинг қонунийлигини таъминловчи, тарафлар ўртасида тенг ва ишонч билдирувчи муносабатларни ўрнатувчи медиатор назорати остида бўлади.

Ушбу қонун лойиҳаси фуқаролик, меҳнат, оила, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида рўй берадиган низоларда медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Бироқ у медиация жараёнида иштирок этмайдиган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилган ёки дахл қилиши мумкин бўлган, шунингдек, давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларини бузганлик учун ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ низоларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Медиация институти ҳозирги кунда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Япония, Хитой, Гонконг, Корея, Ҳиндистон каби кўплаб давлатларда кенг қўлланилмоқда. БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи комиссияси (UNCITRAL) медиация тўғрисидаги қонун намунасини ишлаб чиққан. Ташкилотнинг тушунтириш хатида медиация институти қўлланилаётган давлатларда ушбу жараёндаги келишувларнинг ҳуқуқий таъсири ҳамда мажбурийлиги ҳақида кенг маълумот берилган.

"Медиация тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги вазифаларга, ҳар қандай низони халқимизга хос муроса-ю мадора йўли билан ҳал этишга интилиш каби дастурий ғоялар билан тўла уйғун ва ҳамоҳангдир. Шу боис фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этиб, партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таклиф-тавсияларини билдирмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши низоларни судгача ҳал этиш соҳасида юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилигини таъминлайди, самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратади, суд тизимида иш ҳажми камайишига эришилади. Бу, ўз навбатида, суд харажатларини тежаш, низоларни қулай ва тез ҳал қилиш имконини кенгайтиради, тарафларнинг шаъни ва обрўйини сақлаш, тадбиркорлик субъектларининг самарали ишлашига хизмат қилади.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Кўрик-танлов

АЛИШЕР НАВОИЙ МАНГУ БАРҲАЁТ

БУ "НАВОИЙ ВОРИСЛАРИ" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ЯНА БИР БОР НАМОЁН БЎЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши халқимиз, айниқса, ёш авлод китобхонлик маданиятини юксалтиришга, аждодларимизнинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўлишига хизмат қилаётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Навоий ворислари" лойиҳаси ҳам давлатимиз раҳбарининг мазкур фармойиши ҳамда партиянинг маънавий-маърифий соҳадаги вазифалари ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, 2017 йил давомида кўрик-танловнинг туман ва вилоят босқичлари бўлиб ўтган эди. Туман ва шаҳар босқичларида мамлакатимизнинг 2 минг 853 мактабидан жами 6 минг 246 нафар ўғил-қиз иштирок этиб, шундан 206 иштирокчи ғолибликни қўлга киритди. Танловнинг ҳудудий босқичларида 206 нафар ёшдан 14 нафари республика босқичига йўлланма олди.

Куни кеча Навоий вилоятида мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.

Иштирокчилар дастлаб вилоят марказидаги Алишер Навоий номи билан аталувчи истироҳат боғидаги шоир ҳайкали пойига гуллар қўйиб, улуғ мутафаккир даҳосига ҳурмат бажо келтирдилар.

Навоий шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ўтказилган кўрик-танловда иштирокчилар тўрт шарт — энг кўп ғазал ёд олиш, ғазални бехато ва ифодали ўқиш, ғазал матнининг насрий баёнини ярата олиш, ундаги сўзлар мазмун-моҳиятини изоҳлаб бериш каби шартлар бўйича баҳслашди. Навоий ижоди, лирикаси, ғазалларининг мавзу йўналиши, талқини, изоҳлари, шоир шеъриятидаги жанр ва тимсолларга доир маълумотлар нафақат танлов қатнашчилари, балки томошабинларга ҳам буюк бобокалонимиз меросидан баҳраманд бўлиш, билимини бойитиш имконини берди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишини баҳолаб борди. Энг юқори натижага эришган уч нафар иштирокчи финал йўлланмасини қўлга киритди.

— Шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти ўзининг серқирралиги ва кўламдорлиги билан беқиёс ўрин тутади, — деди навоийшунос олим, ҳакамлар ҳайъати раиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Олимжон Давлатов. — Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва улуғлигини англаш туйғуси халқимиз онгу шуурига, қалбига, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади. Навоийни англаш, унинг фалсафий, ахлоқий, маданий-маърифий мушоҳадаларга бой асарларини ўқиш ва тушунишнинг ўзи улкан саодатдир. Мазкур кўрик-танлов ҳам бобокалонимизнинг умрбоқий асарларида илгари сурилган эзгу ғоялар билан ёшларни янада яқинроқ таништиришда муҳим ўрин тутади. Зеро, даврлар алмашса-да, буюк аждодимиз қолдирган маънавий меросниг қадр-қиммати тобора ортиб бораверади.

Кўрик-танлов давомида иштирокчиларнинг улуғ шоир ғазалларидан камида 40 тасини ёд олгани ва уларнинг насрий баёнини тақдим эта олиш қобилиятига эътибор қаратилди.

Тадбирнинг иккинчи кунида иштирокчилар ва меҳмонлар Нуротадаги Чашма тарихий мажмуасини зиёрат қилиб, у ердаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Кўрик-танловнинг тақдирлаш маросими "Фарҳод" маданият саройида бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Навоий вилояти ҳокими Қобилжон Турсунов улуғ шоир асарларидаги инсонпарварлик, адолатпарварлик, эл-юрт фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиш сингари ғоялар ёшлар тарбияси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, бу ҳаётбахш меросни изчил ўрганиш, янада теранроқ англашда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мазкур лойиҳаси алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

— Алишер Навоий адабий мероси — бебаҳо маънавий хазина, — деди тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Буюк мутафаккирнинг беназир шахси ҳамиша эъзоз ва эътиборда. Бундай муҳаббат ва ҳурмат туйғуси "Навоий ворислари" республика кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида ўз ифодасини топиб, муносиб ворисларни республика босқичига етаклади. Бу каби кўрик-танлов, навоийхонлик кечалари ёшларни миллий-маънавий ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони қилиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, миллий ғояга садоқатлилик, аждодларидан фахрланиш туйғусини камол топтириш сингари партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросида беқиёс аҳамият касб этади.

Кўрик-танловнинг финал босқичига йўлланмани қўлга киритган уч иштирокчи ўртасидаги навоийхонлик баҳси ниҳоятда қизғин кечди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, биринчи ўрин Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 30-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ситора Исоқовага, иккинчи ўрин Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 34-умумтаълим мактаби ўқувчиси Маржона Нодирқуловага ва учинчи ўрин Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 34-умумтаълим мактаби ўқувчиси Хосиятхон Сирожиддиновага насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар ҳамда энг фаол иштирокчиларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Шу ўринда айтиш жоиз, вилоят ҳокими Қобилжон Турсунов иккинчи ўринни олган навоийлик ўқувчи қиз Маржона Нодирқуловага Президент совғаси сифатида 50 миллион сўм пул мукофоти берилишини эълон қилгани ҳам ёшлар камолоти учун жон куйдирилаётган юртимизда Алишер Навоий асарларидаги эзгу ғоялар безаволлигини, халқимиз ҳаётининг ажралмас бўлаги сифатида яшаб қолаверишини яна бир бор исботлайди.

Тадбир якунида "Фарҳод" маданият саройи бадиий жамоаси иштирокидаги концерт дастури тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Феруза МУҲАММАДЖОНОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Алишер Навоий ўзбек халқи маънавияти юксалишига ғоят кучли таъсир кўрсатган, инсонийлик, тинчликсеварлик, юртпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини тараннум этган буюк ижодкордир. Ўғил-қизларимиз бобкалонимизнинг умрбоқий асарларини иштиёқ билан ўрганаётгани, мазмун-моҳиятини қалбига жо этаётгани қувонарли. Мазкур лойиҳа воситасида минглаб ёшларимиз Навоий асарларини янада чуқурроқ англаш имконига эга бўлди. "Умидим улдурки ва ҳаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан қуйи энмагай ва ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай", деб ёзган эди буюк шоир. Навоий асарларини ўрганиш ўқувчи қалбини поклаш билан бирга уларни она Ватанга муҳаббат, буюк тарихга, улуғ аждодларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади, ҳалоллик ва комиллик сари етаклайди.

Илҳом РАЖАБОВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи:

— Маънавий баркамол, иймон-эътиқодли, ахлоқий пок шахс тарбияси тобора долзарб аҳамият касб этаётган бугунги кунда Алишер Навоий асарларига бот-бот мурожаат қилиш, уни ҳар куни ўқиш, ўрганиш кундалик эҳтиёжга айланмоғи зарур. Шоир номи билан аталувчи вилоятда ҳам ёшларнинг буюк аждодлар меросини пухта ўрганиши учун барча шароит яратилган. Зеро, буюк шоир асарларини ўқиш-ўрганиш халқимизни ана шундай қадриятлар руҳида камол топтиради. Бундай тадбирлар ёшлар маънавиятини, эстетик дидини янада бойитиб қолмай, улар қалбида улуғ аждодларимиздан, уларнинг бебаҳо меросидан фахрланиш туйғусини ҳам кучайтириши, шубҳасиз.

Муҳайё ТОШЕВА,
Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 30-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:

— Алишер Навоийнинг маънавий мероси халқимиз учун битмас-туганмас хазинадир. Шу боис ҳам умумтаълим мактабларининг барча синф адабиёт дарсликларида ўқувчилар руҳияти ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда Навоий асарларидан намуналар киритилган. Уларда эзгулик, ватанпарварлик, мардлик, меҳр-оқибат каби ижобий фазилатлар тараннум этилади. Мазкур кўрик-танлов ўқувчиларнинг улуғ шоир ижодий меросини янада чуқур ўрганиш, онгу-шуурига сингишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ситора ИСОҚОВА,
танлов ғолиби (Бухоро вилояти):

— Буюк мутафаккирнинг эзгу амаллари, ибратли ҳаёти ва бой ижодий мероси қалбимизда миллий ғурур ва ифтихорни жўш урдиради. Шоир асарларидаги илғор ғоялар, айниқса, биз ёшлар учун бебаҳо хазина. Уларни тўғри ва тўла-тўкис англаб, ҳаётимизга татбиқ этсак, ҳеч қачон йўлимиздан адашмаймиз. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мазкур лойиҳаси шоир ижодини ўрганишга бўлган қизиқишимизни янада оширди. Бу каби кўрик-танловларни мунтазам ўтказиш биз, ёш авлод вакилларининг шоир асарлари мазмун-моҳиятини янада теран англашимизда кўмаклашади.

Шарифа АЛИБОЕВА,
тадбир иштирокчиси (Сурхондарё вилояти):

— Гарчи касбим тикувчилик бўлса-да, фарзандларимнинг барчаси шеъриятга, хусусан, Навоий ижодига қизиқади. 10 ёшли қизим Шаҳзода Раҳмонова улуғ шоирнинг 457 ғазалини ёд билади. Ҳайъат аъзолари дастлаб ишонқирамай, Навоий девонидан исталган ғазални ўқий бошлаши билан қизим уларни ёддан давом эттирганида ҳайратини яширолмади. Ўғлим эса "Лисон ут-тайр" асарини ёд олган. Демоқчиманки, Алишер Навоийнинг бой маънавий меросидан фарзандларимизни қанча кўп баҳраманд этсак, уларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшган бўламиз. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг лойиҳаси бўлган мазкур кўрик-танловда иштирок этаётган ўғил-қизлар орасидан келгусида ёш навоийшунос олимлар, зукко шоир ва шоиралар энг муҳими, сомил инсонлар етишиб чиқишига ишонаман.

Абдували БЎРИЕВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби,
Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

Муаммо билан юзма-юз

АҲОЛИНИ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ҚИЙНАМОҚДА?

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари партиянинг "Уйма-уй" ва "Депутат билан юзма-юз" лойиҳалари доирасида хонадонларда бўлиб, аҳолининг муаммоларига ижобий ечим топишга, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат беришга интилмоқда. Бунга партиянинг Қува туман кенгаши ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоларининг халқ билан доимий мулоқотда бўлиб, ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганишга интилаётгани мисол бўла олади.

Халқ депутатлари Қува туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар Мадиёр Туримов, Баҳодир Мамажонов ва Равшанбек Охунов "Қақир" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан очиқ мулоқот ўтказди. Бу жараёнда асосий эътибор аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилишга қаратилди.

Қува туманидаги 40-умумтаълим мактаби кутубхоначиси Манзурахон Акбарова ўқувчилар учун бадиий китоблар етишмаслигини айтиб, бу борада амалий ёрдам сўради. Мазкур мурожаат ижобий ҳал этиладиган бўлди — депутат М. Туримов ҳомийлик асосида 50 номдаги бадиий китоблар жамланмасини совға қилишини билдирди.

Тумандаги "Қақир" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Муқаддасхон ая Акрамова нафақа пулини олишда қийинчилик бўлаётгани, уч кунлаб навбат кутишга тўғри келаётганидан шикоят қилди. Мазкур масала ҳам жойида ҳал этилди. Депутат М. Туримов "Қақир" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Содиқжон Тешабоев билан бирга нафақа тарқатиш бўйича график тузди. Энди нафақа пули маҳаллалар бўйича график асосида тарқатилади. Шунда навбат кутишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

Шунингдек, ушбу маҳалла аҳолиси учун кундалик ҳаётда зарур бўлган ун, ёғ етарли даражада ажратилмаётгани тўғрисидаги мурожаат юзасидан ўрганишлар олиб борилганда, ҳудудда аҳоли сони ўсгани ва ҳокимиятда янги ҳамда тўлиқ рўйхат йўқлиги аниқланди. Бу масала юзасидан ҳам партия туман кенгаши раиси ҳамда "Қақир" маҳалла фуқаролар йиғини раиси бирга туман ҳокимлигига маҳалла аҳолисининг янги рўйхатини шакллантириб берди. Энди рўйхатдаги барча фуқаролар учун етарли даражада истеъмол маҳсулотлари берилиши кўзда тутилади.

— Одамларни кўп йиллардан буён ичимлик суви билан боғлиқ муаммо қийнаб келади, — дейди "Қақир" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Содиқжон Тешабоев. — Шу боис ушбу масала ижобий ҳал этилишида амалий ёрдам сўраб, ЎзМТДП депутатларига мурожаат қилдим.

Депутат Мадиёр Туримов ушбу масалани атрофлича ўрганиб, "Сувоқава" давлат корхонаси туман бўлими бошлиғига депутатлик сўрови юборди ва масала назоратга олинди.

Аҳолини қийнаб келаётган шу каби масалалар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам учрайди. Бундай вазиятда маҳаллий Кенгаш депутатлари одамларнинг дардини эшитиши, улар билан очиқ мулоқотда бўлиши, оғирини енгил қилиши — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлаш, тинч-осойишта, фаровон ва хотиржам яшашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратилиши, аҳоли қатламлари эҳтиёж ва муаммоларининг ижобий ҳал этилиши ҳар бир фуқаронинг орзу-умидларига қанот бағишлайди. Ортиқча машаққат чекиб, овора бўлишнинг олдини олади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда инсон манфаати ҳар нарсадан устун қўйилгани, унинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланаётганидан далолатдир. Зеро, халқимиз ўз ҳаётидан рози бўлса, юртимиз янада фаровон бўлиб бораверади.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фракция фаолияти

ОМБУДСМАН АХБОРОТИ, ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Жумладан, ўтган Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Омбудсман номига фуқаролар, хорижий давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органларидан жами 9 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган. Омбудсманнинг марказий идорасида ўтказилган шахсий қабул асосида 1 минг 774, минтақавий вакилларга 288, почта ва телефон орқали 6 минг 285, унинг виртуал қабулхонасига 913 та мурожаат бўлган. Мурожаатларнинг 50,9 фоизи аёллар, 116 таси юридик шахслар, 55 таси чет эл фуқаролари ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, 459 таси жамоавий тарзда келган мурожаатлардир. 2017 йил давомида келган мурожаатлар 2016 йилга нисбатан 565 тага (2,7 баробарга) кўп. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг кўп мурожаат Тошкент шаҳри, энг ками эса Сирдарё вилоятига тўғри келади. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, экологик ва бошқа йўналишлардаги мазкур мурожаатларни тегишли ташкилот ва идоралар, мансабдор шахслар билан биргаликда ҳал этишга эътибор қаратилди. Мазкур жараёнда Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳам фаол қатнашиб, жойларда юзага келаётган масалалар бўйича мурожаатларни кўриб чиқишган.

Бундан ташқари, ўтган йил давомида фуқаролардан қонунчиликка оид ва бошқа қатор йўналишларда 150 га яқин таклифлар келиб тушган.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда Омбудсман фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган қатор таклифлар, тақдим этилган ҳисобот юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бир қатор қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ЎзМТДП фракцияси аъзолари ташаббуси асосида киритилган.

— Мазкур қонун лойиҳаси партиянинг мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ахборот олиш эркинлиги, оммавий ахборот воситаларига ўз фаолиятида ахборотни тадқиқ этиш, узатиш, фойдаланиш ва сақлашга оид қўшимча ҳуқуқларни беришни назарда тутади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев. — Шунингдек, унда рўйхатга олиш бўйича муассиснинг аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш муддатини қисқартириш, давлат ҳокимияти ва

бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборот олишга доир сўров юбориш институтини жорий этиш каби масалалар ҳам ўз ифодасини топган. Интернет глобал тармоғида веб-сайт шаклида фаолият юритувчи оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақоми белгиланмоқда. Ахборот олиш эркинлиги, мулкдорлик ва фаолият эркинлигини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий шароитларини янада яхшилаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятига аралашув, мансабдор шахслар, давлат органларининг ноқонуний хатти-ҳаракати ва ҳаракатсизлигидан ҳимоя қилишнинг механизмлари ўрнатилмоқда. Фракциядошларимизнинг мазкур қонун ташаббуси ЎзМТДП сайловолди Платформасида ахборот соҳасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросига, қолаверса, электоратимиз манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

"Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини фракция аъзолари иккинчи ўқишда муҳокама қилди. Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан киритилган мазкур қонун лойиҳасида "журналист" тушунчасига таъриф берилмоқда, журналистларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, журналист шахси ва ҳуқуқ-атворига қўйиладиган талаблар мажмуи белгиланмоқда.

— Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг очиқлигини таъминлаш ва кенг жамоатчилик қизиқиши асосидаги долзарб масалаларни ёритишда профессионал журналистларнинг нуфузи ошишига хизмат қилади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Илҳом Абдуллаев. —Профессионал журналистлик фаолиятини амалга оширишда журналистларни қўшимча ҳуқуқлар билан таъминлаш, қонунчилик даражасида журналистни аккредитация қилиш жараёнининг ҳуқуқий механизмлари ҳамда асосий тартибларини белгилаш каби масалаларни ҳал этади.

Муҳокамаларда сўз олган фракция аъзолари қонун лойиҳасига партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб ёндашдилар. ЎзМТДП миллий ахборот маконини ривожлантириш, истеъдодли журналистларни қўллаб-қувватлашни мақсад қилиб олган экан, бу борадаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

Шунингдек, йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

— Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятни амалга оширишда парламент ролини ошириш ва мамлакатимизнинг халқаро имиджини мустаҳкамлашда парламентлараро алоқалар долзарб аҳамиятга эга, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов. — Мавжуд амалиёт халқаро алоқалар ва парламентлараро ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини тартибга солувчи меъёрларни акс эттирадиган қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати борлигини кўрсатади. Ушбу қонун лойиҳаси депутатлик парламентлараро гуруҳларини ташкил этиш, улар фаолияти юзасидан нормалар белгилаш, қонун ижодкорлиги фаолиятида хорижий тажрибани ўрганиш, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларини ривожланган хорижий давлатларда қабул қилинган шу каби қонунлар моделлари билан қиёсий таҳлилини ўтказиш, ҳамкор давлатлар ўртасида прогрессив мулоқотни ривожлантириш, демократик парламент тузилмаларини, маданий, ижтимоий ва ишбилармонлик алоқаларини илгари суриш, хорижий мамлакатлар парламентлари билан қонун ижодкорлиги амалиёти бўйича тажриба алмашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан партия фракциясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Муаммо ечим топди

ТАРИХИЙ ТЕПАЛИКДАГИ БОЗОР КЎЧИРИЛАДИ

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари — депутатлар ва партия ташкилотлари партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш ҳамда туристик маршрутга киритиш бўйича муайян ташаббусларни амалга оширмоқда. Жумладан, парламент қуйи палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари жойлардаги ўрганишлари, аҳоли билан учрашувлари давомида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келади.

— Мамлакатимизда бугунги кунда етти мингдан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўз тарихига эга бўлиб, аждодларимиз ҳаёт тарзи ва ўтмишидан нишонадир, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Ширинов. — Хусусан, Бухорода жойлашган тарихий-меъморий обидалар, азиз авлиёларимиз мангу қўним топган зиёратгоҳлар, бу заминдан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар илмий мероси, қадимий ҳужжатлар, археологик топилмалар, осориатиқалар ҳудудда зиёрат туризмини ривожлантириш, сайёҳларни жалб қилиш учун жуда қулай макон саналади. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилган ҳудудларни ўрганиш вазифаси билан ҳар гал вилоятда бўлганимизда, албатта, бу ердаги тарихий қадамжоларнинг аҳволи билан танишишга, муаммоларини ўрганишга, туризм ривожига ёрдам бериши мумкин бўлган табиий ресурс ва шароитларга эътибор қаратамиз. Январь ойида Ромитан туманидаги ўрганишларимиз давомида ҳудуддаги айрим маданий, тарихий масканлар қаровсиз ёки ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, мавжуд туристик салоҳиятдан ҳали-ҳануз тўлиқ ва самарали фойдаланилмаётгани аниқланди. Масалан, бутун ислом оламида машҳур шариф шаҳарнинг етти пиридан бири — Хўжа Али Ромитаний зиёратгоҳи рўпарасида қадимги Ромитан шаҳри қолдиқларидан иборат "Қўрғон" тарихий тепалиги мавжуд. Ўтган давр мобайнида маҳаллий аҳоли мазкур тарихий тепаликдан ўз билганича фойдаланган. Бора-бора ушбу ҳудудда мол бозори ҳам пайдо бўлган. Қишда лой, ёзда чанг бўлган ушбу "бозор"нинг фаолияти ўзига хос тарихга эга бўлган тепалик қиёфасининг ўзгаришига, ҳатто буткул йўқ бўлиб кетишига олиб келмоқда. Қолаверса, юртдошларимиз, хорижий сайёҳлар канда қилмай келадиган Хўжа Али Ромитаний зиёратгоҳидаги манзара, албатта, бу ерга ташриф буюрувчилар учун ҳам ёқимсиз, ҳам ноқулай. Бундан ташқари, тарихий қўрғон ва муқаддас қадамжо муҳофазаси талабга жавоб бермайди.

Ўрганишлар давомида гувоҳ бўлинган ҳолатлар ҳамда тўпланган маълумотлар парламент аъзолари иштирокида ўтган халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида қизғин муҳокама қилинди. Фракция аъзолари ушбу тарихий тепаликда жойлашган бозорни кўчириш, тарихий масканларни асраб-авайлаш борасида муайян ишларни амалга ошириш зарурлигини илгари сурди. Билдирилган таклифлар асосида бозорни бошқа жойга кўчириш ҳақида сессия қарори қабул қилинди.

Фракция аъзоларининг ҳудуддаги

фаолияти давомида эришилган ушбу амалий натижа ЎзМТДП дастурий вазифалари ижросига хизмат қилади.

Шунингдек, тумандаги ўрганишлар давомида соғлиқни сақлаш соҳасига оид бир қанча масалалар ҳам ўз ечимини топди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда ЎзМТДП фракцияси иштирокидаги бир гуруҳ депутатлар туман тиббиёт бирлашмаси фаолиятини ўрганиб чиқди.

— Тумандаги тиббиёт муассасаларидаги ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан бир қатор амалий ишлар қилинди, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Феруза Ибрагимова. — Жумладан, тез ёрдам бригадаси сонини биттага кўпайтириш тўғрисида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига таклиф киритилди ва ушбу таклиф инобатга олиниб, буйруқ расмийлаштирилди. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондидан ажратилган грант маблағлари ҳисобидан туман кўп тармоқли марказий поликлиникасига, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Ромитан туман бўлими кўмаги асосида туман тез ёрдам бўлимига видеокузатув мосламаси ўрнатилди.

Ўрганишлар давомида тумандаги 41-қишлоқ оилавий поликлиникаси эски печкада иситилиши ва ундан чиқаётган тутун, газ иси тиббий хизмат сифатига, қолаверса, бу ерга шифо истаб келган беморлар соғлигига жиддий таъсир кўрсатаётгани аниқланди. Депутатларнинг саъй-ҳаракатлари асосида ушбу муаммо жойида ҳал этилиб, туман молия бўлими мазкур муассасанинг иссиқлик тизимини таъмирлашга 30 миллион сўм ажратди.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳамда партия фаолларининг ҳудудларда олиб борган бу каби ўрганишлари мурожаатларни ўз жойида кўриб чиқиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни қисқа муддатларда баратараф этиш имконини бермоқда.

М. РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ташкилотларида

Шу кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда партия Марказий кенгаши Пленумида белгиланган вазифалар ижроси, партия вилоят кенгашларининг ўтган йилдаги фаолияти якунлари, жорий йилга доир асосий йўналишлар ва бошқа масалалар муҳокама этилмоқда.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИГА ҚАРАТИЛДИ

ЎзМТДП **Тошкент** вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, партия вилоят ташкилотлари ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов иштирок этиб, жумладан, шундай деди:

— Ўтган йилдан партия тизимида тадбирлар сонини кескин камайтирдик. Ишимизни лойиҳалар асосида ташкил этиб, аниқ, мақсадли ва натижали амалиётга ўтмоқдамиз. Партия Тошкент вилоят кенгаши ҳам 2017 йилдаги фаолияти давомида бир қатор ижобий натижаларга эришди. Жумладан, сайёр қабуллар ва очиқ мулоқотлар натижасида аҳолининг кўплаб мурожаатларига ечим топилди. Жорий йилда ҳам халқ билан мулоқот қилишда партия ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тубдан кучайтириш, уларнинг ҳар бирини имкон қадар партия иштирокида кўриб чиқиб, ҳал қилинишини таъминлаш лозим.

Шундан сўнг партия Марказий кенгаши Пленумида белгиланган вазифалар, партия тизимида амалга оширилган ишлар, эришилган натижа ва йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратилди.

Йиғилишда ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Мунира Қориева маъруза қилди.

Маърузада таъкидланганидек, партия вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари ўз фаолияти давомида ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик каби фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Партия Қибрай туман кенгаши Ҳаракатлар стратегиясининг Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши ижросини таъминлаш мақсадида "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси доирасида амалий семинар ташкил этди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент вилояти бошқармаси партия қўмагида 5 нафар ёш ҳунармандга 5 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилди.

Шунингдек, "Микрокредитбанк" Ғазалкент филиали ҳамда "Халқ банки" Бўстонлиқ филиали партия вилоят кенгаши кўмагида ташкил этилган "Баркамол ёшлар — юрт келажаги" номли форумда ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг 3 нафар, Бўстонлиқ қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг 5 нафар битирувчиларига 5 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилди.

Партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга. ЎзМТДП вилоят кенгаши ҳисобот даврида партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва партияларо соғлом рақобат муҳитини яратишда партия гуруҳларининг роли ва ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Ҳудудий кенгашнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари натижасида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ишида бирмунча ўзгариш кўзга ташланмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида фаолият олиб бораётган 78 депутат ўтган йилда амалдаги қонунлар, Президент фармонлари, Давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича 492 депутатлик сўровини амалга оширди, уларнинг 324 таси ижобий ҳал этилди. Партия гуруҳларининг ташаббуси билан 98 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига 28 ташаббус-масала олиб чиқилиб, қарор қабул қилинишига эришилди.

Кенгайтирилган йиғилишда партия фаоллари ва депутатлар йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятларга алоҳида эътибор қаратдилар. Айрим туман ва шаҳар партия ташкилотлари фаоллари ва партия гуруҳлари ЎзМТДП сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва депутатлик назоратини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйгани танқид қилинди. Уларга тегишли тавсиялар берилиб, аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

* * *

ЎзМТДП **Фарғона** вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам Марказий кенгаш Пленумида белгиланган вазифалар, партия вилоят кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти, галдаги вазифалари ва асосий йўналишлари муҳокама этилди.

Партия Фарғона вилоят кенгаши раиси Умид Жабборов ўтган йилда партия ташкилоти амалга оширган лойиҳалар партия хайрихоҳлари сафининг кенгайишида сезиларли таъсир кўрсатаётганига алоҳида эътибор қаратди. Таъкидланганидек, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг вақтдан тўғри ва мазмунли фойдаланиш кўникмасини юксалтириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш партия ташкилотларининг асосий вазифаларидандир. Бу жараёнда партия вилоят кенгаши бир қатор амалий лойиҳаларни ўтказди. Жумладан, ўтган даврда партия вилоят кенгаши уюшмаган ёшлар масаласига жиддий эътибор қаратди. Партиянинг "Ёшлар қаноти" "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида 26 бепул ўқув курсини ташкил этди. Бу ўқув курсларида 105 нафар уюшмаган ёшлар, фанлардан ўзлаштириши паст ўқувчиларга қўшимча таълим берилмоқда.

Шунингдек, партия "Аёллар қаноти" "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида ҳунармандчиликни ўргатиш мақсадида 15 та бепул ўқув курси ташкил этган. Мазкур ҳунармандчилик курсларида 73 нафар уюшмаган хотин-қизлар ҳунар ўрганди. Ҳозирда ушбу курсларни тамомлаган 29 хотин-қиз турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. Мазкур лойиҳа асосида тарғибот-ташвиқот ишлари жорий йилда ҳам давом эттирилади.

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасида уюшмаган хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида юзлаб хонадонларга ташриф амалга оширилган. Бунинг натижасида 183 нафар уюшмаган ёшлар мазкур лойиҳага жалб этилган. Улардан 40 нафари иш билан таъминланди ва касб-ҳунарга йўналтирилди.

2017 йилда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан қонун ва ҳукумат қарорларининг ижроси юзасидан ҳамда фуқаролар мурожаати асосида жами 284 депутатлик сўрови юборилган. Шундан 202 таси ўз ечимини топди. Партия гуруҳларининг ташаббуси билан 11 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди, маҳаллий Кенгаш сессияларига 11 ташаббус-масала олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар бевосита ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, ҳунармандликни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилаётир.

ЎзМТДПнинг жамият ҳаётида мустаҳкам ўринга эга бўлиши, унинг ғоялари одамларга етиб боришида сайловолди Платформада белгиланган вазифалар ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан Партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида депутатлик ваколатидан унумли фойдаланмаётган, ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашаётган айрим депутатлар ва партия ташкилотлари фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Вилоятдаги маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар электорат манфаатларини ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастуридан келиб чиқиб, ўз фаолиятини янада кучайтириши, депутатлик назоратини олиб бориши, сессиялар, доимий комиссиялар мажлислари муҳокамасига масалалар киритишда фаоллик кўрсатиши лозимлиги таъкидланди.

Очиқ ва ошкора мулоқот тарзида бўлиб ўтган йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан музокараларда сўз олган партия фаоллари ва депутатлар ўзларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдирдилар.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Президент ташрифидан сўнг...

Ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган улкан истеъдод соҳиби, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг теран фалсафий қарашлари билан йўғрилган бадиий юксак шеърлари халқимиз кўнглидан ўқур жой олган, ёд бўлиб кетган. Халқимиз учун самимий туйғулар куйчиси сифатида гоят қадрли бўлган атоқли шоирнинг китоблари кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Демак, бундай азиз зотларнинг номи ҳам, мероси ҳам биз учун жуда қадрли, доимо эъзозимизда бўлишга лойиқдир.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР МАКТАБИ

ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ ТАРБИЯЛАМОҚДА



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташриф буюрганида Абдулла Орипов ҳайкалини ўрнатиш лойиҳаси билан яқиндан танишиб, уни такомиллаштириш, шоир номидаги мактаб ва унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган музей ташкил этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берганди.

Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 майдаги "Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатини барпо этишга киришилди.

Орадан қарийб бир йил вақт ўтиб, Президентимизнинг жорий йил январдаги ташрифига қадар мактаб замонавий қиёфа касб этди. Янги жиҳозлар, бугунги кун талаблари даражасидаги барча ўқув анжомлари билан таъминланди. Энг асосийси, ўқув муассасаси фаолияти йўлга қўйилди.

Қарши шаҳрининг марказий Ислом Каримов кўчасида жойлашган мактаб ён томонидаги Абдулла Орипов ҳайкали, деворга битилган шоир шеърларидан намуналар унинг бой маънавий дунёсидан бохабар этади. Ҳайкал жойлашган кенг хиёбондаги яшиллик, манзарали кўчатлар, фаввора ва ундан таралиб, жило бахш этиб турган зилол сувнинг товланишидан ҳақиқий илҳом ҳиссини туясиз. Катта монитордa намойиш этилаётган бугунги куннинг ўзгаришлари, бунёдкорлик ишлари, айниқса, тунда порлаб, атрофни ёритиб турган ёрқин чироқлар жозибасидан ҳайратингиз ортади. Адабиётга, шеъриятга бўлган рағбат ва эътибордан таскин топгандек бўласиз.

Мана шундай ўй ва илҳом нафаси билан муассасага кириб борадиган ўғил-қизлар таълими учун мактабда барча шарт-шароит яратилган: шинам ўқув хоналар, ахборот-ресурс маркази, кутубхона, маънавият зали, қиз ва ўғил болалар учун алоҳида технология ва амалиёт хоналари, улардаги мавжуд ускуна ва жиҳозлар, ёпиқ спорт майдончаси, 50 ўринли ётоқхона, ошхона ва 200 ўринли фаоллар зали.

— Мактабимиз 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар 5-синфдан танлов асосида қабул қилинади, — дейди Абдулла Орипов номидаги давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори Убайдулла Орипов. — Айни пайтда муассасамизда 142 нафар ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Таълим муассасамизнинг умумий ўрта таълим мактабларидан фарқи шундаки, барча фанлар чуқурлаштирилган ҳолда олиб борилади. Она тили ва адабиёт фанларига эса алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, нутқ маданияти, ифодали ўқиш ҳамда нотиқлик санъати фанларидан ҳам етук ва малакали мутахассислар жалб этилган.

Мактабда ўтказиладиган мушоира баҳслари ва шеърият кечалари ўзгача руҳда ўтади. Президентимизнинг яқинда мазкур мактабга ташрифи чоғида ҳам муассаса ўқувчилари Ибройим Юсупов, Муҳаммад Юсуф, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаб ўқувчилари билан онлайн боғланиб, мушоира ўтказди ва ўзлари ёзган шеърлардан ҳам ўқиб беришди.

— Мен мушоирада устоз Абдулла Ориповнинг "Имтиҳон" шеърини Президентимиз билан биргаликда чуқур ҳаяжон ва зўр иштиёқ билан айтдим, — дейди мактабнинг 6-синф ўқувчиси Азизбек Ражабов. — Бу менга ўзгача ғурур ва мамнуният бахш этди. Юртбошимизнинг, айниқса, бизга қарата: "Ҳали вақтлар ўтади, кези келиб орангиздан Абдулла Орипов, Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним сингари улуғ шоир ва шоиралар етишиб чиқади. Ўзбек адабиёти, шеъриятимиз довруғини сизлардек қалби қайноқ ва салоҳиятли ёшлар жаҳон узра тараннум этишига, мен, албатта, ишонаман", деган сўзларидан жуда катта куч олдик. Ўйлайманки, бу ишонч бизга бир умр ҳамроҳ бўлади.

Мактаб ҳудудидаги Абдулла Орипов боғи ҳам гўзал ва ўзига хос қиёфа касб этган. Боғдаги манзарали кўчатлар ва анвойи гуллар, табиат гўзаллиги ёш ижодкорлар кўнглига илиқлик, янада илҳом бахш этиши аниқ. Ҳафтанинг ҳар жума кунлари боғда ўтказиладиган шеърият тадбирлари ижодкор ўғил-қизлар учун энг қувончли онлар ҳисобланади.

Таълим масканида жойлашган музей ҳам Абдулла Орипов ҳаётига доир турфа экспонатлар билан тўла. Бу ерда улуғ шоир ғўдаклик чоғларида ётган бешик, турли хил буюмлар, миллийлигимиз, миниатюра санъатимизни ўзида акс эттирган санъат намуналари, Ватанимиз ва хориждаги шеърият мухлислари томонидан тақдим этилган турли совғалар, портрет ва фотосуратлар жамланган.

— Дарсдан бўш вақтларим музейни алоҳида иштиёқ билан томоша қиламан, — дейди мактабнинг 9-синф ўқувчиси Эъзоза Алишерова. — Бу ўзгача кайфият бахш этади. Абдулла Орипов босиб ўтган йўл, бу улуғ инсоннинг ҳаёти билан ҳамиша ҳамқадам бўлишни музейни кўргач, янада чуқур ҳис этаман.

Мактаб фаолият бошлаганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, таълим муассасасининг ўқитувчи ва ўқувчилари амалий ишларни бошлаб юборган. Жумладан, муассасанинг инглиз тили фани ўқитувчилари Дилнавоз Муродова ва Гулноза Ҳамидова Абдулла Ориповнинг шеърларини инглиз тилига таржима қилишга муваффақ бўлди, улар тўплам ҳолида нашр этилди. Шунингдек, 5-9-синф ўқувчиларининг сара шеърлари жамланган "Абдулла Орипов қалдирғочлари", 15 нафар истеъдодли ўқувчиларнинг ижод намуналаридан иборат "Ватан фарзанди" тўплами босмадан чиқди. Қолаверса, мактабнинг 7-синф ўқувчиси Севинч Омонованинг республика мушоира баҳсида 1-ўринни қўлга киритгани муваффақият ва ютуқлар ҳозирданоқ бошланганини кўрсатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи ёш ижодкорлар мактабининг бундан кейинги фаолиятида янги саҳифаларни очиши тайин. Таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларга яратиб берилган бундай кенг имкониятлар, албатта, адабиётимиз, хусусан, шеъриятимиз равнақи йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши бош мутахассиси

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

"ХАЗОН ЯПРОҒИ ЯНГЛИҒ ГУЛ ЮЗУНГ ҲАЖРИДА САРҒАРДИМ..."

Бобур Мирзо ижоди бетакрорлиги, халқчиллиги билан адабиёт мухлисларининг меҳрини қозонган. Бобур Алишер Навоий ижодини чуқур ихлос билан ўрганган, газалларини ёд олган. Унинг яхшилик, одамийлик, одоб-ахлоқка оид газаллари Алишер Навоий ижодидан руҳланиб, таъсирланиб яратилгани илмий тадқиқотчилар ва адабиёт ихлосмандларига яхши маълум.

Бироқ шу ўринда савол туғилади: унда нега аксарият олимлар Бобур шеърияти Навоий шеъриятига нисбатан халққа тушунарлироқ ва соддароқ, деган тўхтамга келган? Бунинг биринчи сабаби — халқчиллик, яъни шеърни халқ тушуниб ўқишига мослаштирилган фазилат барча шоҳ шоирлар ижодий услубига хос хусусиятдир. Иккинчидан, бизнинг тушунчамиздаги Бобур шеъриятидаги турконалик — мутлақо янги ҳодиса — юксак бадиий ва таъсирчанлик билан омухта соддаликдир. Яъни тасвир ва талқинда фикр мукаммаллиги, манзара аниқлигига асосланган таъсирчанлик ва образлилик Бобур шеъриятига хосдир.

Навоий:

Беҳи рангидек ўлмиш дарди
ҳажрингдин манга сиймо,
Димоғим ичра ҳар бир тухми
янглиғ донаи савдо.

Бобур:

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг
ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлағил, эй лоларух,
бу чеҳраи зардим.

Навоий лирик қаҳрамони ёр айрилиғидан юзим беҳи рангидек сарғайиб кетди, деса, Бобур рубобий ошиғи ёр жудолигидан юзим кузги сап-сариқ япроққа ўхшаб қолди, демоқда. Ҳар икки ташбеҳ — ўхшатиш ҳам табиий.

Навоий байтидаги беҳи образи ва Бобур матлаъсидаги хазон япроғи тимсоллари ҳар иккала байтда ажойиб образлиликни вужудга келтирмоқда.

Бобур мисралари бўйлаб тизилган таъсирчанлик яратувчи омиллар — бадиий санъатлар силсиласини кузатайлик.

Хазон (кузги) япроғи янглиғ сарғардим,

дер экан, бунда ташбеҳ яққол сезиларли. Қандай япроқ? Хазон (кузги) япроғи — сифатлаш амалиёти аниқ-тиниқ. Гул юзунг — яъни гулдай юзинг — истиорага яқинлашган ташбеҳ. Китобхон гулни қизил атиргул сифатида тасаввур этади. Демак, маъшуқ юзи — ловуллаган қизил. Ошиқ ранги эса хазон япроғидек заҳил. Бундай қиёсда ранглар зиддияти — тазод санъати қўлланилган. Чеҳраи зард — сариқ чеҳрада ҳам сифатлашдан фойдаланилган. Байтдаги япроқ, гул ва лола сўзлари — бир туркумга мансублиги туфайли таносиб санъати амал қилмоқда. Биргина байтда юз маъносида бирданига уч (юз, рух, чеҳра) синонимни — маънодошни қўллаш ижодкордан катта маҳоратни талаб қилади. Хазон, сарғармоқ, зард сўзларида ҳам маънодош сўзларни моҳирона қўллаш яққол намоён бўлган. Хазон сўзини китобхон хазон ва куз каби икки маънода тушуна олса, ийҳом санъатини ҳам идрок эта олган бўлади.

Эй лола рух — эй лола юзли! — мурожаат ва хитобида нидо санъати зуҳур этмоқда.

Байтнинг намоён фазилати: мазмун яққоллиги, манзара аниқлиги, ўта таъсирчан ва воқеийлигидадир. Навқирон йигит севгилисига ўз аҳвол руҳиясидан дарак бермоқда:

— Эй лола юзли севгилим! Сендан жудоликда юзим кузги япроқдек сарғайиб кетди. Ўзинг бу заҳил юзимни кўриб менга раҳм-шафқат қил!

Демак, бир қарашда оддий ва содда туюлган Бобур байтида бадиий санъатдан тўққиз маротаба маҳорат билан фойдаланилган. Фикран аниқ, ҳиссий жиҳатдан таъсирчан, образлилиқ барқ уриб турган бу байтда ҳусни матлаъ санъати ҳам яққол намоён бўлган. Шу боис Бобур ғазалининг бу бош байти, шубҳасиз, шоҳ байт даражасидаги адабий мўъжизадир.

Бобурнинг яна бир матлаъига кўз ташлайлик:

Янги ой ёр юзи бирла кўруб
эл шоду хуррамлар,
Манга юзу қошингдин айру
байрам ойида ғамлар.

(Мазмуни: халқ янги ой ва ёр юзи висолидан шод ва хуррамдурлар. Мен эса сенинг юз ва қошингдан жудоликда байрам ойида ғамлар чекяпман.)

Бир байтда икки хил ҳолат, бир-бирига зид манзара ифода этилган. Ҳамма янги байрам ойини кўриб, ўз ёри билан шодиёнада. Биргина лирик қаҳрамон танҳоликда, ғам-алам оғушида изтироб чекмоқда.

Энди байтдаги бадиий унсурларни илғашга уринамиз: "янги ой" — ҳилол иккинчи мисрадаги "қош"га ўхшаш бўлгани учун зимдан ўхшатиш — ташбеҳи измор, "юз" сўзининг байтдаги икки маротаба такрори — такрир санъати кўрсаткичидир. Биринчи мисрадаги бирла (бирга) сўзи билан иккинчи мисрадаги "айру" тазод санъатини намоён этмоқда. Байтдаги юз ва қош сўзлари таносиб санъатидан дарак беради. Биринчи мисрадаги ой — планета, иккинчи мисрадаги ой — байрам ойи (календарь) — вақт тушунчасини ифодалагани учун шаклдош сўзнинг икки маъноси — тажнис санъатига мисолдир. Хуррам ва ғам сўзлари зид маъноли сўзлар бўлиб, улар ўзаро тазод санъатини юзага чиқармоқда.

Биз бадиий санъат арифметикаси билан бежиз шуғулланаётганимиз йўқ. Қайд этилган бадиий санъатнинг байтга дахлини ўйлаб кўрсак, улар ташбиҳ орқали образлилик яратмоқда, нур ва соялар (тазод) ўйинидан таъсирчанликни вужудга келтирмоқда, жинсдош сўзлар иштироки китобхонни сўзга, сўз маъносига нисбатан сезгирроқ бўлишга даъват этади, маънодош сўзлар эса ўқувчи сўз бойлигини оширишга хизмат қилади.

Байт ва мисрадан санъатларни топиб кўрсатиш Бобур Мирзонинг сўзга нисбатан заргарларча қунт билан муносабатда бўлганини кўрсатади.

Навоий ва Бобурдай сўз сеҳргарлари учун мумтоз байт яратишдан мақсад нуктапардозлик қилиш — фикрий қашфиётлар билан шуғулланишдир. Ҳали бошқа шоир айтмаган, китобхон бошидан кечган ажиб савдолар ва хиссиётларни қаламга олиш заруратидир. Унинг байтларини ўқиган ҳар қандай ўқувчи ҳам ҳайратланиши шубҳасиз.

Шу ўринда яна бир мисол. Бир-бирига зор ошиқ-маъшуқларнинг учрашганида бўлар-бўлмаса ўзаро жиззакилик ёки гинахонлик қилиши ҳаётда учраб турадиган ҳодиса. Буни Бобур ҳам илғаган, ўйлаган ва нукта — фикрий қашфиёт сифатида айтиб қўйган:

Агарчи сенсизин сабр айламак,
эй ёр мушкулдур,
Сенинг бирла чиқишмоқлик доғи
бисёр мушкулдур.

Бобур шеърияти том маънодаги дилбар шеъриятдир. Ундаги самимият, чин инсоний туйғулар, оқилона панд-насиҳатлар — ҳамма-ҳаммаси китобхонни маҳлиё этади. Шу маънода абадият фарзанди бўлган шоир Бобур шеърияти улкан адабий ҳодисадир.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Халқаро Бобур мукофоти совриндори

Муносабат

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ

"БУТУН ҲАЁТ ДАВОМИДА ТАЪЛИМ" ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ИШ ОЛИБ БОРАДИ

Бугунги шиддатли даврдаги тезкорлик ва замонавийлик ҳар бир соҳа, жумладан, таълим тизимини ҳам замон талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ этишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда ўтган ўқув йилидан бошлаб 11 йиллик таълим тизими қайта тикланиши ўқувчига ўзи туғилиб ўсган ҳудудда ва ўзи ўрганган муҳитда ўқишини давом эттириш имконини берди. Бунинг натижасида таълим тизимида туб ислоҳотлар бошланди. Унинг узвий ва мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 25 январда "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармон қабул қилди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 1998 йилда қабул қилингани, ўтган давр ичида мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўзгаришлар, саноат диверсификацияси, меҳнат бозоридаги малакали ишчи ва ўрта бўғин мутахассисларига бўлган талаб ва эҳтиёж таълим соҳаси, хусусан, амалдаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Президентимиз таълим жараёнида кадрларни иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари эҳтиёжлари асосида тайёрлашнинг мутлоқ янги тизимини йўлга қўйиш, замонавий техника ва технологиялар талаб қиладиган янги кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Замон талаби, хорижий давлатларнинг касб-ҳунар таълими соҳасида эришаётган ютуқлари, иш берувчиларнинг бевосита эҳтиёжлари бугунги кунда ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан янги таълим технологиялари ва инновацион ғояларни кенг жорий этишни тақозо этмоқда. Айни шу мақсадда касб-ҳунар таълимининг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш жараёнида халқаро тажрибалар, илғор таълим технологиялари, кўплаб маҳаллий ҳамда чет эллик экспертларнинг фикри инобатга олинди.

Янги истиқболлар, иш берувчиларнинг реал эҳтиёжлари, меҳнат бозори талаблари таълим сифатини янгилаш, ўқитишнинг янги метод ва услубларини жорий этиш заруратини пайдо қилмоқда. Шу боис таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув-меъёрий, ўқув-услубий ҳужжатлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Замонавий техника ва технологияларни эркин ва маҳорат билан бошқара оладиган малакали кадрларни тайёрлаш касб-ҳунар таълимининг асосий мақсади ва йўналишлари этиб белгиланди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунар таълими дастурлари, дарсликлар, ўқув-услубий мажмуаларга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, таълимни интерактив кўринишга ўтказиш, педагог ва ўқувчи муносабатларини таълим олувчи эҳтиёжлари асосида ташкил қилиш, у ёки бу муаммоларни ҳал этишда видеодарсга мурожаат этиш имконини берадиган визуал таълим ресурслари базасини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди.

Касб-ҳунар таълими ва ўқиш муддатлари эндиликда шу куннинг талаби, иқтисодиёт ва технологиялар тараққиёти, энг муҳими Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси — ёшлар, катта ёшдагилар, ишсизлар, касбини ўзгартирувчилар, ҳарбий хизматдан қайтганлар, захирага чиқарилган ҳарбий хизматчилар, қўйингки, касб ўрганмоқчи бўлган ҳар бир фуқаро эҳтиёжларини қондиришга қаратилган табақалаштирилган муддатларда ташкил этилади.

Янги тизимга асосан амалдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув режасидаги умумтаълим фанлари ушбу фанлар узвийлиги ва узлуксизлиги тамойилидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди. Ўз навбатида умумтаълим мактабларида ҳам 11 йиллик таълим олиш даврида 50 дан ортиқ касбни давлат бюджети ҳисобидан эгаллаш имконияти яратилди ва битирувчиларга ўрганган касблари бўйича давлат намунасидаги ҳужжат берилади.

11 йиллик таълим негизида касб-ҳунар коллежларига қабул қилинадиганлар давлат грантлари, буюртмачилар — вазирлик ва идоралар, йирик иш берувчиларнинг маблағлари, шунингдек ихтиёрий равишда касб эгалламоқчи бўлган жисмоний шахсларнинг жамғармалари ҳисобидан амалга оширилади. Кам таъминланган оилалар фарзандлари давлат ҳисобидан ўқитилади.

Касб-ҳунар коллежларида "Бутун ҳаёт давомида таълим" тамойили асосида аҳолининг катта ёшдаги тоифалари ҳамда касбини ўзгартирмоқчи бўлганлар ва вақтинчалик иш билан банд бўлмаганлар учун ҳам имкониятлар яратилади. Вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат комиссия ҳамда ҳудудлардаги ишчи гуруҳлар томонидан касб-ҳунар коллежларининг фаолияти тўлиқ ўрганиб чиқилади. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришлар, технологиялар тараққиёти ва меҳнат бозоридаги кадрларга бўлган реал эҳтиёжлар, келгусида яратиладиган янги иш ўринлари ҳисобга олиниб, касб-ҳунар коллежлари сонини оптималлаштириш, уларни вазирлик, идора, корпорация ҳамда йирик иш берувчиларга бириктириш бўйича таклифлар, хулосалар тайёрланади. Пировардида меҳнат бозоридаги реал эҳтиёждан келиб чиқиб, иш берувчилар томонидан қўйиладиган малака талабларига мос равишда мақсадли кадрлар тайёрланади, бунинг натижасида битирувчиларни иш билан таъминлаш йуналишидаги мавжуд маммолар бартараф этилади.

Иш берувчиларнинг нафақат талаблари, балки уларнинг келгусидаги прогноз кўрсаткичларига мос, саноат диверсификацияси билан тенгқадам ташлайдиган замонавий кадрларни тайёрлаш, хорижий давлатларда таҳсил олган, мамлакатимиздаги хорижий олий таълим муассасаларида ўқиган иқтидорли ёшларни, шунингдек инноватор йирик иш берувчиларнинг вакилларини таълим жараёнига бевосита жалб этиш орқали касбий таълим сифати жаҳон миқёсида тан олинган ва эришилган даражага тенглаштирилади. Бу эса, ўз навбатида, жаҳон меҳнат бозорига рақобатбардош кадрларни тайёрлаш имконини яратади.

Мазкур жараёнларни тўлақонли амалга оширишда касб-ҳунар таълими тизимида янгича фикрлайдиган, илғор педагогик ва инновацион технологияларни эгаллаган замонавий педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муҳим ва доимий такомиллаштириб бориладиган соҳага айлантирилади. Улар учун нафақат мамлакатимиз, балки илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, касбий таълим жараёнига татбиқ қилиш имонияти яратиб берилади.

Бугунги кун иқтисодиётидаги ўзгаришлар, технологиялар тараққиёти билан касбий таълимнинг мунтазам ҳамнафас ва интеграциялашган ҳолда фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Касб-ҳунар таълимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти фаолияти йўлга қўйилади.

Мухтасар айтганда, касб-ҳунар таълими тизимидаги мазкур ўзгаришлар мамлакатимиздаги модернизациялаш жараёнларига мос равишда иқтисодиётни ҳаракатлантирадиган, унинг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиган, халқаро майдонда юртимиз байроғини баланд кўтарадиган ватанпарвар, маҳоратли, малакали ва рақобатбардош ўрта бўғин кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Шарифжон ЭРГАШЕВ,
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати бошлиғи

Эҳтиром

ЭЗГУ ИШГА, ЭЗГУ СЎЗГА БАХШИДА УМР

Устоз журналист, олим, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Сайди Умиров таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Сайди Умиров 1938 йил 10 февралда Самарқанд вилояти, Пайариқ туманида туғилган. Серқирра меҳнат ва ижодий фаолияти давомида "Санъатнинг сеҳрли калити", "Даъваткор сўз", "Солланиб оқаётган дарё", "Толибнома", "Зиёбахш умр саҳифалари" (ҳаммуаллифликда), "Дорилфунунлар тақдиримда", "Маънавият мулкига саёҳат", "Сеҳрли ва меҳрли сўз" каби кўплаб китоблари нашр этилган, 500 га яқин илмий, публицистик мақола, очерк ва эсселар муаллифи.

Эзгу ишга, эзгу сўзга умрини бахшида қилган Сайди Умировнинг ҳаёт ва ижод йўли худди ўзи каби эркин, самимий кечмоқда. Буюк мўъжиза – СЎЗнинг залворию қудратини, масъулиятини юракдан ҳис этиб, уни авайлаб, эъзозлаб, эҳтиёт қилиб яшамоқда ва кўплаб шогирдларига ана шу фазилатни сингдиришга интилмоқда. Шоир Эшқобил Шукур айтганидек, самимиятга самимиятдан дарс бериб, кўнглидаги болалик билан ҳаётни (борлиқни) ҳимоя қилиб келмоқда.

Тадбирда Сайди Умировга эсдалик совғалар топширилди, шоирлар томонидан шеърлар ўқилди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА

MILLIY TIKLANISH
7 (491) 2018 йил 14 февраль, чоршанба

Бугуннинг гапи

ОЛАМДА БИР НЕЪМАТ БОР...

ЁХУД "ЎЗСТАНДАРТ"НИНГ СТАНДАРТИ НЕЧТА?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Эътибор берсангиз, шаҳар жойларда истиқомат қиладиган аҳолининг булка нон (буханка)га бўлган талаби юқори. Чунки у ҳам арзон, ҳам тўйимли. Вилоятдаги дўкон ва бозордаги нон расталарини айланиб, бутун республика бўйлаб айнан буханка нlarning турли хил кўринишларини учратиш мумкин. Қизиғи, унинг вазни ҳам бир-биридан фарқ қилади. Дастлаб бу ҳар бир ҳудуд, ҳар бир жойнинг ўзига хослигими, деган хаёлга ҳам борасиз.

Бироқ, афсуски, бундай ўйлаган одам адашади.

Чунки "Ўзстандарт" агентлиги берган маълумотларга кўра, буханка нон ишлаб чиқариш истагидаги тадбиркорга бир қанча талаблар қўйилади. Ишлаб чиқариш учун махсус цех ташкил этиш, буғдой уни, туз, хамиртуруш, ўсимлик ёғини сақлаш, хамир қориш, ишлаб чиқариш — бижғиш ёки хамирни етилтириш жараёни, уни бўлиш, пишириш учун алоҳида ва махсус хоналар, тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборхона бўлиши лозим.

Бундан ташқари, қолипли нон ишлаб чиқараётган тадбиркорнинг кунлик таҳлилларни ўтказиб бориш учун ишлаб чиқариш лабораторияси ёки аккредитациядан ўтган лаборатория билан шартномаси, корхонанинг тозалик техник ҳолати ҳақида ҳудудий санитария эпидемиологик идорасининг рухсатномаси ҳам бўлиши, ишчи-ходимларнинг кийиниш ва ечиниш, ювиниш, овқатланиш ва дам олиш хоналари ҳам ташкил этилмоғи керак.

Шундан сўнг ишлаб чиқарувчи мувофиқлик сертификати олиш учун "Ўзстандарт" агентлигининг ҳудудий синов ва сертификатлаштириш идораларига ариза ва унга қўшиб маҳсулотнинг меъёрий ҳужжат нусхаси, ёрлиқ намунаси, гигиена хулосасини синов баённомалари билан тақдим этади. Сертификатлаштириш идораси аризани ва унга қўшиб берилган ҳужжатларни таҳлил этиб, икки иш куни ичида қарор қабул қилади ва бу ҳақда талабгорга хабар беради. Агар қарор ижобий бўлса, сертификатлаштириш идораси синов дастурини тузиб, уни тасдиқлайди.

— "Ўзстандарт" агентлиги буханка нонга белгилаган стандарт вазн — 500 ва 600 грамм, ундан кам бўлса, билингки, бундай нон истеъмол талабига жавоб бермайди, — дейди Агентликнинг Стандартлаштириш ва давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зоиржон Омонов. — Мабодо текшириш давомида шу ҳолатга дуч келинса, буханка нонни ишлаб чиқараётган тадбиркорга сертификат берилмайди. Бу нонни ишлаб чиқариш вақтинчалик тўхтатилади, дегани. Одатда қолипли нон учун 3 йил муддатга мувофиқлик сертификати берилади ва битим тузилади. Битимда сертификатланган маҳсулот устидан инспекция назорати ўтказиш ҳақида ҳам келишиб олинади. Агар инспекция назорати натижасида улар фаолиятида стандарт нормалари бузилиш ҳолати аниқланса, мувофиқлик сертификатининг амал қилиши 10 иш кунига тўхтатилади ва кўрсатма берилади. Шу муддат ичида камчиликлар бартараф этилса, қайта назорат ўтказилади ва фаолиятга рухсат берилади. Йўқса, назорат қилувчи орган судга мурожаат қилади.

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қолипли нон ишлаб чиқаришни мақсад қилган, агентлик қўйган қонуний талабларни бажарган тадбиркорга маҳсулотнинг сифатли ва мавжуд стандартларга тўла мослиги ҳақида сертификат тақдим этади. Таҳлиллар шуни кўрсамоқдаки, тадбиркор аввал бошда, албатта, барча қонун-қоида ва стандартларга амал қилган ҳолда иш юритади. Сўнг... айримларнинг нафси ҳакалак ота бошлайди. Осон йўллар билан тезроқ бойиш пайига тушади. У одамлар ҳақига хиёнат қилган ҳолда қўшимча даромад орттириш ва битта нонга белгиланган ҳажмдан камроқ миқдордаги хомашё билан маҳсулот ишлаб чиқаришга киришади.

Рақамларга мурожаат қилинса, ҳаммаси гўё рисоладагидек. Ўтган йил бўйича график асосидаги инспекция назорати натижаларига кўра, текширувдан ўтказилган 120 та нон ишлаб чиқариш корхонасида умумий ҳисобда атиги бир фоиз қонун бузилиш ҳолати қайд этилган. Савол туғилади: хўш, унда бозорга чиқаётган сифатсиз ва ностандарт нон маҳсулотлари қандай пайдо бўляпти? Жавоби оддий: йил давомида ўзи билганича ишлаб келган тадбиркор фаолияти график асосидаги инспекция назоратига тушган бўлса, яъни, унинг корхонаси текшириладиган бўлса, у, албатта, битимда кўрсатилганидек олдиндан огоҳлантирилиши керак. Текширув борлигини эшитган "тадбиркор" ўз-ўзидан онгли равишда ҳаммасини бинойидек қилиб қўяди. Бир кун тўғри ишласа бас, кейин яна ўзи билганича давом этаверади...

Ҳолатни вилоятлар кесимида ўрганадиган бўлсак, вазият анча жиддий. Бундай дейишимизга сабаб шуки, чекка ҳудудларда "Ўзстандарт"

агентлиги томонидан белгиланган стандарт деярли ишламайди. Ҳудуд марказларида бу салбий ҳолат камроқ учраши мумкин. Аммо ҳудуднинг чекка-чекка жойлари томон борилган сари вазият қолипли нон ичидаги майда-майда пуфакчаларнинг борган сари катталашиб боришига ўхшайди. Қолипли нонни текшириб кўриш учун уни ғижимлаб, бир кафтга жой бўладиган ҳолатга келтириб қўйиш мумкин. Табиийки, мазаси ҳам ўзгара бошлайди. Гўё у ерларда қолипли нон ишлаб чиқарувчи деярли ҳамма тадбиркорнинг ўз стандарти бордек. Тўғри, улар ичида виждонини йўқотмаган ҳалол ва пок тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Қоларверса, бори ҳам камчиликни ташкил этиши масаланинг нақадар жиддий эканлигини кўрсатади. Агентлик стандартини менсимайдиган, бошқача айтганда виждони билан "келишув"га эришган бундай "тадбиркор"лар эртами-кечми, албатта, қонун олдида жавоб бериши аниқ. Аммо бировнинг ҳақини ейиш, тарозига хиёнат қилиш энг оғир гуноҳ саналишини бундай кимсалар билармикин?

— Тарозидан уриб, бировларнинг ҳақига хиёнат қилиш динимизда қаттиқ қораланади, — дейди Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда жомеъ масжиди имом ноиби Самариддин Мирзаев. — Бу ҳақда Қуръони Каримда аниқ оятлар келган: "Вайл (вой) бўлсин, ўлчовдан уриб қолувчиларга. Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўлиқ олурлар. Ва агар одамларга ўлчаб ёки тортиб берсалар, камайтирарлар. Ана шулар қайта тирилишларини ўйламайдиларми?". Тарозидан уриб, кишининг иши, касби ва тижоратида барака бўлмайди, турмуши нотинч бўлади. Бундайлар ўз оиласи, ҳатто қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг ҳам баракасига зарар етказиши ҳақида ҳадислар бор.

Бунинг олдини олиш учун аввало, жамоатчилик назоратини кучайтириш керак бўлади. Бундай ҳолатга маълум маънода истеъмолчининг ўзи ҳам айбдор. Чунки у ҳар доим ҳам ўз ҳуқуқини паймол этилаётганига эътибор қаратмайди, ҳақини талаб қилмайди, кўпинча тадбиркорга инсоф тилашдан нарига ўтмайди. Юз иссиқ, деймиз, эртага кўз-кўзга тушади, деймиз. Лекин аслида кўз-кўзга тушганида биз эмас, истеъмолчи ҳақини еганлар уялиши кераклигини ўйламаймиз. Бир нарсани чуқур англаб, тўғри тушуниш жоиз: жамиятдаги бу каби иллатларни бартараф этиш кенг жамоатчилик билан амалга ошадиган жараёндир. Бундай иллатлар илдизига болта уриш учун ҳаммамиз бирдай ҳисса қўшмоғимиз, бундан ҳеч ким четда қолмаслиги лозим.

— Қолипли нонларнинг дўкон ва савдо расталарида сотиш учун белгиланган нархи ҳозирги кунда 650 сўм, — дейди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси матбуот ва ахборот бўлими бошлиғи Умида Мансурова. — Истеъмолчиларнинг тўқсон тўққиз фоизи харид қилган нонларнинг сифати кўнгилдагидек эмаслигини билганидан сўнг ҳам уни ўша дўконга қайтариб топширмайди. Таассуфланарлиси, бу ҳақда на ишонч телефони орқали масъулларга хабар беради, на кўрган зарарини ундиради. Сабаби оддий: андиша. Шу арзимас нарса учун ҳам овора бўламанми, дейди. Агар ҳамма истеъмолчи ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қила олса, сифатсиз маҳсулот сотган дўкон, савдо шахобчасига уни қайтариб топширса, сотувчи ҳам ҳаракатга тушиб қолади. Бундай сифатсиз маҳсулот етказиб бераётган фирма ё ташкилот билан ҳамкорлигини тўхтатади. Натижада жамият бундай иллатлардан тозаланиб бораверади. Аҳамиятлиси, бу ишни аҳолининг ўзи бажарган бўлади.

Иштихонлик истеъмолчи Бегали Эшонқуловнинг ҳолат юзасидан билдирган фикри эътиборимизни тортди.

— Туманимиз марказида жойлашган бозордаги нон растаси ва дўконларда буханка нонга эътибор бериб, бир нарсага сира тушунмайман, — дейди Б. Эшонқулов. — Бир хил кўриниш ва сифатга эга бўлиши керак бўлган нонларнинг (қолипли нон назарда тутилмоқда — **таҳририят**) кўплаб турини учратасиз. Қайси бири стандартга тўғри келишини билолмай бошингиз қотади. Бир куни ҳам қизиқиш, ҳам истеъмолчи ҳуқуқимдан фойдаланиб, сотувчидан маҳсулот сертификати бор-йўқлиги ҳақида сўрадим. Жавоб ўрнига сотувчи "нонда ҳам сертификат бўладими?" деб ҳайрон бўлди. Шундан сўнг нон тайёрланган цехнинг қаерда жойлашганини сўрадим. Бундан ҳам хабари йўқ...

Истеъмолчининг фикрини тинглаб, Иштихон деҳқон бозори томон йўл олдик. Бозордаги М. исмли нон сотувчи аёлдан икки дона буханка нон харид қилиб, ўзининг гувоҳлигида тарозида ўлчаб кўрдик. Бири 365, иккинчиси эса 382 грамм тош босди. Нархини сўрасак, 750 сўм экан. Маҳсулотнинг на нархи, на сифати талаб даражасида эмаслигини айтсак, елка қисишдан нарига ўтмади...

Бу йил Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили. Табиийки, тадбиркорларга яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитлар янада кенгаймоқда. Қонунчиликда амалга оширилган ўзгаришларга мувофиқ, 2017 йилнинг 1 январидан эътиборан тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган режадан ташқари текширишларнинг барча тури бекор қилингани, Президентимизнинг Парламентга Мурожаатномасида 2018 йилда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига тўғаноқ бўладиган ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, икки йилгача уларнинг молиявий фаолият юзасидан текширишлар ўтказилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Афсуски, билдирилган ишонч, берилган имтиёз ва имкониятларни суиистеъмол қилаётган "шоввоз"лар ҳам топилади.

— Ўтган йил якуни бўйича жами 122 та қолипли нон ишлаб чиқарувчи корхона мувофиқлик сертификатини олган, — дейди Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси етакчи мутахассиси Дилором Бозорова. — "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларнинг ижросини таъминлашга барчамиз масъулмиз. Аммо баъзи тадбиркорлар буни унутиб қўймоқда. Қолипли нон ишлаб чиқарувчиларнинг айримлари маҳсулот оғирлиги, намлиги, ғоваклиги ёки нордонлиги меъёрида бўлишини таъминламасдан, истеъмолчилар ҳуқуқларини поймол этмоқда. Уларнинг айримлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни синов лабораториясидан ўтказсангиз ноннинг юмшоқ қисми нам, яхши пишмаганлиги, ғоваклиги — хамири яхши етилмаганлигига (ноннинг ички юмшоқ қисми бармоқ билан босиб кўрилганида аввалги ҳолатига қайтиши керак) гувоҳ бўласиз.

Ҳалол меҳнат қилиб топилган ризқ баракали бўлади. Бу ҳикматни англаган кишининг ризқи бутун, қалби равшан, хонадони тинч-тотув ва энг муҳими, одамлар олдида доим юзи ёруғ бўлади.

— Баъзида иш сўраб келувчилар бир қоп унингиздан фалон дона нон тайёрлаб бераман, деб қолади, — дейди боғотлик тадбиркор Бахтиёр Ибрагимов. — Шунда уларга уқтираман: менга нонларнинг сони эмас, сифати муҳим, яъни ҳалол ишлайдиган одам керак. Тўғри, бундай "уддабурон"ларнинг ваъдасига ишониб, ҳалолликни унутаётганлар ҳам йўқ эмас. Аммо бу билан кимни алдаяпмиз, кимнинг ҳақига хиёнат қилаяпмиз? Биз фақат ўз ҳузуримизни, даромадимизни ўйлаб иш қиладиган бўлсак, аҳолининг истак ва эҳтиёжларини инобатга олмасак инсофдан бўлмас. Ахир, шу халқ, шу одамлар борки, касбу ҳунаримиздан барака топиб, ризқ-насибамизни териб юрибмиз. Халқини рози қилган кам бўлмайди. Бу ҳақиқат тарихда ҳам, шу кунларда ҳам ўз исботини топган ва топмоқда...

Нон дастурхонимиз кўрки, фаровон ҳаётимиз белгисидир. Бугун бозору дўконларда нонларнинг турфа хилини учратамиз: оби нон, патир нон, ширмой нон, қатлама нон, жиззали нон, седанали нон... Қолипли нон ишлаб чиқариш бўйича эса "Ўзстандарт" агентлигининг фақат битта стандарти бор. Юқорида номи келтирилган барча ташкилотларнинг қисқа ва узлуксиз ишлайдиган "Ишонч телефон"лари мавжуд. Агар қонун бузилиш ҳолатларига дуч келсак, ўша қисқа рақамларни териб, ҳолат юзасидан ахборот етказсак, йўлдан адашган тадбиркор ҳақида тегишли мутасаддиларни хабардор этсак, аввало, ўзимиз, қоларверса, жамият равнақи учун ҳам ҳисса қўшган бўламиз. Бу билан саломатлигимизни асраган, ҳақ-ҳуқуқларимиз бузилишининг олдини олган бўламиз. Зеро, ЎзМДПнинг сайловолди Платформасида ҳам аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган фаолиятимизнинг бош мақсади экани, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспортни рағбатлантириш, божхона расмийлаштируви жараёнини соддалаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 5 январь куни Тошкент вилоятида жойлашган "Highway Logistics Center" транспорт логистика марказига ташрифи чоғида божхона тартиб-таомилларини соддалаштирилган ва инновацион технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириш, хавф-хатардан огоҳ этиш тизимини амалиётга жорий қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, мазкур комплекс мисолида ушбу тажрибани республиканинг барча ҳудудида татбиқ этиш лозимлигини қайд этган эди.

БОЖХОНА КЎРИГИ СОДДАЛАШСА

ҲАМ ТАДБИРКОРГА, ҲАМ ДАВЛАТГА, ҲАМ ХАЛҚҚА ФОЙДА

Ана шу вазифадан келиб чиқиб, "Highway Logistics Center" масъулияти чекланган жамияти замонавий транспорт логистика марказининг божхона терминалида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун семинар-тренинг ўтказилди. Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташкил этган тадбирда божхона, сертификатлаштириш органлари ва тижорат банклари, халқаро ташувларни амалга оширувчи маҳаллий ва хорижий автоташувчилар, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги экспорт-импорт операциялари, маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ва ушбу ҳудудларда замонавий логистика марказларини ташкил этишга қизиқаётган тадбиркорлик субъектлари, мазкур жойлардаги масъул божхона ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренингда таъкидланганидек, бугун божхона органлари амалий тадбирларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, республикага олиб кирилаётган ва ундан олиб чиқиладиган товар ва транспорт воситалари фақат бир маротаба божхона кўригидан ўтказилиши, аэропортдаги божхона постларида фуқаролар учун "яшил" ва "қизил" йўлаклар жорий қилингани мана шу йўналишдаги ислоҳотларнинг дебочаси бўлиб, юртдошларимизга манзур бўлмоқда.

— Асосан газлама мато ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз, — дейди "Зилол текстил" масъулияти чекланган жамияти ходими Шаҳзод Ҳақбердиев. — Ўтган йилда "Highway Logistics Center" замонавий транспорт логистика маркази билан 18 миллион АҚШ долларлик маҳсулотимизни Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Вьетнамга экспорт қилдик. Ушбу логистика марказининг тадбиркорлар вақтини тежаши, барча хужжатларнинг шу марказнинг ўзида расмийлаштирилиши бизга маъқул келмоқда. Марказ билан ҳамкорлигимизни келгусида ҳам давом эттириб, экспорт қиладиган давлатлар ва маҳсулот ҳажмини оширишни мақсад қилганмиз.

Семинар-тренинг қатнашчиларига мазкур комплексда тартиб-таомилларни амалиётга жорий этиш босқичлари, хусусан, тадбиркорлик субъектига қулай шарт-шароит яратиш, ортиқча бюрократик тўсиқлар ҳамда сансалорликка барҳам бериш мақсадида жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган, замонавий инновацион технологиялар асосида соддалаштирилган, кам вақт ва маблағ сарфланадиган божхона расмийлаштируви, товарлар экспертизаси ва тегишли рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштируви жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Божхона терминалида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги, Давлат ветеринария, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг сертификатлаш идораларининг пунктлари мавжуд. Улар билан ўзаро ҳамкорликда ягона экспресс-лаборатория фаолияти ташкил этилган. Бу, айниқса, вилоятлардан келган соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Чунки шу пайтгача бирор маҳсулот экспорт-импорт қилинса, тадбиркор, албатта, юқорида санаб ўтилган ташкилотларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида бош суқиб чиқишига тўғри келарди.

— Тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратиш ва ортиқча расмиятчиликларни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бўлим бошлиғи Нодирбек Салимжонов. — Хусусан, божхона органлари фаолиятига доир жорий этилган 20 дан ортиқ интерактив давлат хизматларини янада фаоллаштириш, янги электрон хизматларни жорий этиш назарда тутилган. Тадбиркор энди товар экспорт-импорт жараёнини ўз офисида ўтириб ҳам амалга ошириши мумкин бўлади. Ўз маҳсулотининг ҳудудга кириб келгани ва ҳудуддан чиқиб кетгани тўғрисидаги маълумот тадбиркорнинг телефонига юбориб турилади.

Тадбир иштирокчиларига "Highway Logistics Center" масъулияти чекланган жамияти замонавий транспорт логистика марказининг божхона терминалида яратилган шароит ва қулайликлар кенг намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

Истеъдод

"КАЛЬКУЛЯТОР-БОЛА"

ГИННЕС РЕКОРДИ КИТОБИГА КИРМОҚЧИ

Сарлавҳани ўқиб ҳайрон бўлаётгандирсиз? Ажабланманг, тўғри ўқидингиз: "калькулятор-бола". Бугун уни деярли бутун Ўзбекистон танийди ва шу ном билан атамоқда.

"ZO'R TV" каналидан эфирга узатиб келинган "Индиго" кўрсатувининг финал босқичи ўтган йил адоғида бўлиб ўтди. Кўрсатув мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қиладиган интеллектуал қобилияти юқори, билимли, ақлли ва ҳар томонлама зукко ёшларнинг билимлар беллашуви асосига қурилган. Ўша кўрсатувнинг финал босқичи иштирокчилари сафида Навоий шаҳридаги 14-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Муҳаммадали Тотлибоев ҳам бор эди.

Қаҳрамонимиз топшириққа кўра, 2 ва 3 хонали сонни 5 хонали сонга бемалол кўпайтириб, 5-6 хонали сонларни 2-3 хонали сонга ҳеч қандай қоғоз-қаламсиз хотирада бўлди. Ҳакамлар ва томошабинлар ҳайрат нелигини ўшанда яна бир бор ҳис қилишди. Шу ўринда бир гап: мана шу йўналиш бўйича ўрнатилган Гиннес рекордида Муҳаммадали қайд этган натижа энг юқориси экан. Ҳакамлар Муҳаммадали оғзаки ҳисоблаган амалларни калькуляторда ҳисоблашга зўрға улгурар, 7-8 хонали сонни ўқиб беролмай доналаб айтар эди. Жавобни эса битта-битта рақамлаб текширди. Савол устига савол ёғилди, ёш математик эса худди доимий машғулоти билан банд кишидек хотиржам жавоб бериб борди. Охири бўлмади. Берилаётган саволлар у учун жуда оддий туюлар, ўз иқтидорини тўлароқ кўрсатишни истарди.

...Муҳаммадали билан бўлган суҳбатимиз жудаям самимий кечди. Чунки бу йигитчанинг ўзи очиққўнгил экан. "Бу амални сизга ким ўргатган", десак у:

— Ҳеч ким, — деб жавоб берди. — Бобом ёшлигимдан бундай математик машқларни бажаришга ундар, мен эса кун сайин ҳисоб-китоб оламига кириб кетаётганимни билмай қолдим. Натижада сонларнинг неча хоналиги, улар билан қандай амаллар бажариш ҳақида ўйламай ҳам қўйдим. Савол берилса, бас. Қисқа сониялар ичида хаёлан ҳисоблайманда, айтавераман.

Шундан сўнг Муҳаммадалининг келгуси режалари ҳақида сўрадик.

— Келгусида Гиннеснинг рекордлар китобига киришни ният қилганман. Бу билан шуҳрат қозонмоқчимасман, — дейди у ўзига хос камтарлик ва самимият билан. — Ўзбек халқи дунё илм-фани, тараққиёти ва ривожига улкан ҳисса қўшганини ва бу бугунда ҳам давом этаётганини яна бир бор исботламоқчиман.

Дунё неча минг-минглаб ноёб истеъдод эгаларини кўрган. Бунинг ҳаммаси Яратган "юқтирган" фазилатнинг машаққатли меҳнат ила юзага чиқишини ҳам исбот этган. Муҳаммадали буни жуда яхши билади.

— Неча йилдирки, Муҳаммадали билан тинимсиз машғулот ўтамиз, — дейди унинг ўқитувчиси Шоҳиста Турдиева. — Илк бор ундаги қобилиятни пайқаганим ҳам қизиқ бўлган. Бирор топшириқ берсам, синфдошлари ичида биринчи бўлиб бажарар, доскага бирор машқни ёзиб, ўқувчиларга умумий тушунтиришга киришиб кетсам, тез фурсат ичида машқнинг жавобини топиб, айтиб қўярди. Шундан сўнг у билан алоҳида савол-жавоб қилиб кўриб, чиндан ҳам истеъдодли эканига амин бўлдим. Ҳозирда жадвал асосидаги дарси тугаганидан сўнг ҳар куни икки-икки ярим соат математика билан шуғулланаяпмиз.

Ҳа, ал-Хоразмий, ал-Фаробий, Беруний, Улуғбекдек олиму алломаларнинг шунчаки тасодиф сабаб дунёга танилмаганини аждодларга чинакам авлод бўлиб камол топаётган Муҳаммадали сингари ёшлар яна бир бор исботламоқда. Дунё эътироф ва эътиборига сазовор бўлган инсонларга бешик бўлган она диёримиз бугун ҳам мана шундай истеъдод эгаларини тарбия қиляпти. Фақат бу истеъдодларни ўз вақтида англасак, қадрига етсак, бас.

И. НОРМАМАТОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарх

"APPLE" — ЭНГ ИННОВАЦИОН КОМПАНИЯ

У БУНГА ҚАНДАЙ ЭРИШГАН?

"Биласизми, бизга омад кулиб боқди! Сабаби дунёда инқилоб ясай олган маҳсулотларни тақдим эта олдик. Ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, 1984 йилда "Mac" компьютерини, 2001 йилда музиқа тинглаш техникалари тарихида туб бурилиш ясаган "iPod"ни тортиқ этдик. Бу ҳолат "iPhone" билан ҳам такрорланди", деган эди "Apple" компаниясининг собиқ раҳбари, АҚШлик машҳур тадбиркор, IT-технологиялар кашфиётчиси Стив Жобс суҳбатлардан бирида.



Чиндан ҳам у ўзининг қисқа умри давомида асрга татигулик ишларни амалга оширишга улгурди. Стив Жобс ахборот технологиялари янгиликларининг ижодкори, том маънода технология саноатининг пешқадам вакилларидан бири эди. Қолаверса, у бизнес тарихидаги энг омадли ва бошқаларга ўрнак бўла оладиган тадбиркорлардан, у асос солган "Apple" бугун дунёдаги энг машҳур ва бой компаниялардан саналади. Зотан, "Apple"ни Стив Жобснинг ҳаёти ва фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин.

Бола бошидан...

Стивнинг ҳақиқий отаси асли суриялик Абдулфаттоҳ Жандалий, онаси Жоан Шибле бўлган. Жобс туғилишидан олдин Абдулфаттоҳ АҚШдаги Висконсин университетининг магистратура босқичида таҳсил олар, Жоан эса ўша университетда ўқитувчи ассистенти сифатида фаолият кўрсатар эди. Улар бир-бирларини севишарди, бироқ қизнинг отаси уларнинг турмуш қуришига розилик бермайди. У, ҳатто, ўлим тўшагида ҳам қизига юзланиб, агар ўша йигит билан муносабатларини узмаса, уни меросдан маҳрум қилишини айтади.

Бу орада Жоан ҳомиладор бўлиб қолади. Ва у ноилож Сан-Франциско шаҳрига кетишга қарор қилади. 1955 йил 24 февраль куни Стив дунёга келади. Бироқ қиз журъатсизлик қилиб, болани ўзи боқиб, тарбиялашга кўзи етмай, чақалоқни асраб олиш учун Пол ва Клара Жобс оиласига бериб юборади. Ўгай ота-она болага Стив деб исм қўйишади. Стив умрининг охиригача уни боқиб олган, тарбия берган Пол ва Кларадан миннатдор бўлди, уларга худди ўзининг ҳақиқий ота-онасидек меҳр қўйди. Жобслар оиласи Стивни асраб олган пайтда бефарзанд эди. Стив икки ёшга тўлганда ниҳоят бу оилада қиз фарзанд дунёга келади. Бу воқеадан уч йил ўтиб, Жобслар оиласи Сан-Францискодан Маунтин-Вью шаҳарчасига кўчиб ўтади.

Полнинг касби автомеханик эди. У ҳам "CIT" молия компаниясида фаолият юритар, ҳам уйидаги гаражда эски автомобилларни таъмирлаб, оиласи ва Стивнинг ўқиши учун пул топарди. Клара "Varian Associates" компаниясида ҳисобчи вазифасида ишларди. Стивнинг ўқишга лоқайдлиги, тўполончилиги учун уни мактабдаги ўқитувчилари ниҳоятда хуш кўришмасди. Шунга қарамай, табиатан ўйинқароқ боладаги яратувчанлик қобилиятини сезган ўқитувчиси Ҳилл хоним уни тўғри йўналтиришнинг янгича усулини топади. Стив яхши ўқиб, аъло баҳо олганда Ҳилл хоним уни ширинликлар билан сийлайди. Бу рағбат тез орада ўз самарасини бера бошлайди. Стив намунали ўқувчилардан бирига айланади...

Пол ўғлини ўз касби — автомеханикага қизиқтиришга уринади. Бироқ Стив бу соҳага у қадар қизиқмайди. Шунга қарамай, Пол шу соҳа орқали ўғлини электротехникага қизиқтира олди. Улар биргалашиб радиоприёмник, телевизорларни таъмирлар, натижада Стивда техникага қизиқиш кун сайин ошиб бораверди. Стив 1972 йилда мактабдаги ўқишни тамомлаб, Портленддаги Рид коллежига ўқишга киради. Бу Орегон штатидаги энг нуфузли коллежлардан бири эди. Бироқ олти ойдан сўнг у ўқишни ташлаб кетишга қарор қилади. У ўзининг бу қарорини қуйидагича изоҳлаганди: ***"Мен бироз соддалик қилиб, худди Стенфорд университети каби қиммат коллежни танлабман. Ота-онам топаётган пулларнинг бари менинг ўқишимга сарф бўлаётганди. Олти ойдан сўнг бундан маъни йўқлигини тушуниб етдим. Мен ўзи ҳаётда қай йўлни танлашим лозимлиги, бу борада коллеж менга нима бера олишини ҳам англолмай қолгандим. Ўшанда жуда саросимага тушганман. Энди ортга назар ташлаб, бу ҳаётимдаги энг мақбул қарор бўлганига ишонч ҳосил қиляпман".***

Стив коллеждан бутунлай кетмади. Бир муддат коллеж ётоқхонасида яшаб юрди. ***"Ўша пайтларда ётоқхонада менинг алоҳида хонам йўқ эди. Шу боис дўстларимнинг хонасидаги полда ётиб қолишга мажбур бўлардим. "Кола"нинг ҳар бир бўш идишини беш центдан сотиб тирикчилик қилганман"***, деган эди Стив Жобс у кунларни хотирлаб...

Гаражда бошланган фаолият

Жорий йилнинг 1 апрель куни "Apple Inc" компаниясининг ташкил қилинганига 42 йил тўлади. Бундан шунча йил муқаддам уйининг оддий гаражида иш бошлаган Стив Жобс келажакда миллиардер бўлиб кетишини, у асос солган компания эса компьютер ва смартфонлар ишлаб чиқариш борасида дунёда етакчилар safida бўлишини ҳеч ким тасаввур қилмаган эди.

1974 йилда Стив Жобс мактаб давридаги дўсти Стив Возняк билан учрашиб, унга ҳамкорликда иш бошлашни таклиф қилади. Возняк ўша пайтда "HP" компаниясида ишларди. 1976 йилда Стив Жобс ўзининг "Folksvagen" русумли кичик автобусини, Возняк эса "HP-65" дастурлаштирилган калькуляторини сотиб, маълум миқдорда маблағ тўплайди ва Стивнинг уйидаги гаражда мантиқий плата (logic board) ясашади ва уни "Apple I" деб номлайди. Бу шахсий компьютернинг ибтидоий намунаси эди. Ҳали одамлар шахсий компьютер нималигини тасаввурига сиғдира олмаган пайтда Стив Жобс биринчилардан бўлиб компьютерлардан фақат олимлар ва корхоналар эмас, балки ҳар қандай инсон ҳам фойдалана олади, деган фикрни олға суради. Буни исботлаш учун ўша йили Стив Жобс ҳамда Стив Возняк ҳамкорлар кўмагида "Apple Computer Co" компаниясига асос солади. Улар сотган дастлабки компьютер "Apple I" деб номланган. Мазкур компьютернинг 600 донаси 666 доллардан сотилган. 1977 йилда икки дўст "Apple II" компьютерини ишлаб чиқаради. "Apple" тобора кенгайиб, 1980 йилда акционерлик жамиятига айланди. Стив Жобс эса компания директорлар кенгаши бошқарувининг раиси этиб сайланади. 1982 йилда "Apple" савдо ҳажми бир йилда 1 миллиард доллардан ошган дунёдаги биринчи компьютер компаниясига айланади. 1983 йилда савдога чиқарилган "Apple Lisa" компьютери илк бор монитор экранида курсорни бошқарадиган "сичқонча" билан жиҳозланди. Кейинчалик компания оммавий равишда "Macintosh" номли анчайин кучли компьютер ҳам ишлаб чиқарди.

Бироқ 1985 йилда Стив Жобс ички низолар туфайли ўзи асос солган компаниядан кетишга мажбур бўлди. Кейинчалик Жобс "NeXT" компаниясига асос солади. 1986 йилда "Lucasfilm Ltd." компаниясининг компьютер бўлимини сотиб олиб, уни "Pixar Animation Studios" деб номлайди. "Pixar" компьютер аннимацияси соҳасида энг илғор компанияга айланиб, 1995 йилда "Ўйинчоқлар тарихи" номли тўлиқ компьютерда ишланган дунёдаги илк фильмни намойиш этади ва чинакам шов-шувга сабаб бўлади.

1996 йилда "Apple" компанияси "NeXT" компаниясини сотиб олади ва Жобс "Apple"нинг маслаҳатчиси этиб тайинланади. Кейинроқ Жобс яна компаниянинг бошлиғи лавозимига кўтарилади ва унинг раҳбарлиги остида компания аввалги нуфузини тиклай бошлайди. 1998 йилда "iMac" деб номланган янги компьютернинг сотувга чиқарилиши билан "Apple"нинг иши яна юришиб кетади. 2001 йил "Apple" мусиқа тинглашга мўлжалланган "iTunes" дастурини намойиш этди. Ўша йили портатив мусиқа плейри "iPod" сотувга чиқарилди. Бу маҳсулот харидорларга манзур бўлганидан тезда бошқа мамлакатларга ҳам кенг тарқала бошлади.

2007 йилнинг 9 январида Стив Жобс она шаҳри Сан-Францискода ўтказилган "Macworld Conference & Expo" халқаро кўргазмасида "iPhone" уяли алоқа воситасининг илк моделини тақдим этди. Унда стилус (махсус қаламча) эмас, балки бармоқлар билан бошқариш мумкин бўлган технология қўлланилган эди. Айтиш мумкинки, бу уяли алоқа воситалари тарихида инқилоб бўлди. Шу боис мазкур мобиль алоқа воситаси бошқа смартфонларга қараганда анча қимматга — 500-600 доллар атрофида сотилган. 2010 йилда компаниянинг "iPad" планшет компьютери сотувга чиқарилди.

"Тишланган олма"

"Apple" инглиз тилида "олма" маъносини англатади. Компаниянинг нега бундай номлангани борасида турли тахминлар юради. Унга кўра, бу номнинг юзага келиши Ньютон қонуни билан бевосита боғлиқ. Маълумки, машҳур инглиз олими Исаак Ньютон бошига олма тушгандан сўнг ернинг тортишиш қонунини кашф этган. Бу Жобснинг компьютер технологиялари соҳасида кашфиёт қила олганига ишора эди. Компаниянинг илк ёрлиғида машҳур инглиз олими Исаак Ньютоннинг олма дарахти остида ўтирган ҳолати акс эттирилгани ҳам бежиз эмас. Бироқ у кўплаб деталлардан иборат бўлгани учун харидорларнинг эътиборини у қадар торта олмаган. Шу боис 1977 йилда компания ёрлиқни соддалаштиришга қарор қилади. Стив уни янгилаш учун "Regis McKenna" реклама агентлигида фаолият юритган дизайнер Роб Яновга мурожаат қилади. Роб Янов компаниянинг янги ёрлиғини яратиш учун супермаркетдан олма харид қилади ва унинг расмини чизишга тушиб кетади. У олмаларни қисмларга бўлиб чиқади, ҳатто тишлаб кўрилган вариантларни ҳам бир-бири билан солиштириб кўради. Ниҳоят у компания ёрлиғини бир томони тишланган олма ҳолатида тасвирлашни маъқул, деб билади. Олма бутун ҳолатда тасвирланганда, у помидорга ҳам ўхшаб қолиши мумкин эди. Нима бўлганда ҳам бу ғоя кутилмаганда жуда катта муваффақият қозонади. Эндиликда биз компанияни мазкур ёрлиқсиз тасаввур қила олмаслигимиз ҳам айни ҳақиқат. Тишланган олма ибораси бугун ахборот технологиясида ўлчов бирлигини англатуви "byte" (инглизча "bite" — "тишламоқ") атамасининг юзага келишига ҳам туртки бўлган. Бир томони тишланган камалак ранг олма 1998 йилгача компаниянинг савдо белгиси сифатида хизмат қилади. Бироқ ўша йили олмани бир рангда тасвирлашга келишилади. Бу бир томондан қулайлик яратган бўлса, иккинчи томондан маблағни иқтисод қилиш имконини берди.



Муваффақият калити

Таниқли журналист Брента Шлендер "Стив Жобс бўлиш" асарида нафақат машҳур миллиардернинг таржимаи ҳоли, балки унинг муваффақиятларга қандай ва қайси фазилатлари эвазига эришгани ҳақида ҳам батафсил маълумот берган. Айтилишича, Жобс ҳеч қачон бизнесга оддий нарса сифатида қарамаган. У ўзи шуғулланаётган ишнинг қадрини, қийматини яхши билган. Стив ўз интервьюларидан бирида тан олишича, у бошқа бир таниқли тадбиркорга ўхшаш ёки унинг изидан юришни хоҳламаган, унинг дастлабки мақсади пул топиш эмас, балки одамлар оғирини енгил қилиш бўлган.

Жобснинг муваффақиятлар пиллапоясидан кўтарилиб боришига унинг қатъиятлилиги, ўзига бўлган ишонч, ҳар қандай вазиятда таслим бўлмаслик сингари фазилатлари қўл келган. Мисол учун, ўз вақтида муайян сабаблар туфайли у "Apple" компанияси раҳбарлигидан четлаштирилади. Лекин у бундан тушкунликка тушиб қолмайди. Аксинча, яна олдинга қадам ташлаб, "NeXT" компаниясига асос солди. Бу компанияда ҳам ишлари юришмаган бўлса-да, таслим бўлмади, аксинча "Pixar" компаниясини сотиб олди ва унинг муваффақиятига муносиб ҳисса қўшди. Бир неча йил ўтиб, уни яна ўзи асос солган "Apple"га компанияда юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун ишга таклиф қилишади. Ўшанда у компаниядаги муаммоларни бартараф этиб, аввалги мавқеини тиклайди.

Стив Жобс компанияда ўзини қанчалик қаттиққўл раҳбар сифатида тутмасин, ҳамиша ўз ходимларининг саломатлиги ҳақида қайғурар эди. "Apple" компаниясининг амалдаги бош директори Тим Кук Стив Жобснинг фазилатларига қуйидагича баҳо берган: "Ўзига хос юмшоқ табиат унда аста-секин шаклланиб борди. Компанияда соғлиғи ёмон бўлган ходимлар ҳам ишларди. Стив иложи борича уларнинг тўлақонли тиббий ёрдам олишларига шароит яратган. Буни у қуйи эмас, балки юқори нотаналарда амалга оширар эди. У ходимларига "агар яна бирор нима керак бўлиб қолса, қўнғироқ қилинг", дерди".

Жобснинг яна бир фазилати — баъзи вазиятларда ўзининг ноҳақ эканини ва ўз қарорини ўзгартириши лозимлигини тан оларди. Бу нуфузли инсонларнинг камдан-кам қисмида учрайдиган ноёб хусусиятлардандир.

"Олма" дарахти ҳамон мева бермоқда

2003 йилда Стив Жобс ошқозоности бези саратонига йўлиқади. 2004 йилда уни операция қилишади. Бироқ вақт ўтгани сари касаллик барибир Стивни таъқиб этиб бораверди. Аҳволи ёмонлашгач, Жобс 2011 йилда компания директорлигидан кетишга қарор қилади. У ўзидан кейин бошқарувни компания ходими Тим Кукка топширади. Стив Жобс узоқ йиллик касалликдан сўнг 2011 йил 5 октябрда 56 ёшида ҳаётдан кўз юмади.

Унинг вафотидан сўнг у асос солган компания хусусида Интернетда турли-туман фикрлар билдирила бошланди. Кимдир "Apple" брендининг келажагига ишонқирамай, унинг бозордаги асосий рақобатчиларга имкониятни бой беришини тахмин қилди. "Ҳисобчи" (Тим Кук назарда тутиляпти) бундай компанияни эплай олмайди. "Apple" — саньат, ҳисобхона эмас", дегувчилар ҳам топилди. Бироқ ҳеч ким Тим Кукнинг бошқарув ва тадбиркорлик қобилиятига холис баҳо бера олмади. 2012 йил компания учун бироз "сокин" кечди. Боиси ўша йили чиқарилган "iPhone 5" Стив Жобс ҳали ҳаётлик чоғида ишлаб чиқилган эди. Бироқ 2013 йилда кутилмаганда тилларанг "iPhone 5"нинг чиқарилиши билан журналистлар яна 2011 йилдаги гап-сўзларни кавлаштира бошлади ва "компания телефонни шунчаки бўябди", дейишди эринчоқлик билан. Телефоннинг фақат кўриниши эмас, балки унинг процессори янгиланган, ишлаш қобилияти ошганига ҳеч ким эътибор қаратмади. Шунга қарамай, компания ҳар йили янада мукаммаллаштирилган, харидоргир алоқа воситалари ва компьютерларни ишлаб чиқармоқда: образли қилиб айтганда, бугун ҳам "олма" дарахти мева бермоқда...

Дунёдаги энг бой IT-компаниялар рўйхатини бошқараётган "Apple"нинг бош идораси АҚШнинг Калифорния штатидаги Купертино шаҳрида жойлашган. Ҳозир компаниянинг умумий ходимлари сони 116 мингдан ошади. Бугун ушбу компания дунёдаги энг инновацион компаниялардан бири саналади. 2017 йили компания 2 минг 229 патентни қўлга киритди. "Apple" сўнгги йилларда асосан мобиль маҳсулотлари — "iPhone" смартфони ҳамда "iPad" планшетларидан катта фойда кўрмоқда. Бренднинг оммалашувида бир вақтлар Стив Жобснинг сифатли, ихчам, юқори дизайндаги ва қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган маркетинг ғоясининг ҳаётга татбиқ этилгани муҳим роль ўйнамоқда. Ўтган йилнинг сентябрида компания смартфонларнинг янгиланган моделларини — "iPhone X", "iPhone 8" ҳамда "iPhone 8 Plus" қурилмаларини тақдим этди. У харидорларнинг ишончини қозона олди.

Биз Стив Жобс ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, унинг муваффақият калити, ҳаётий фалсафаси ўзи томонидан айтилган бир жумлада мужассам бўлган, деган хулосага келдик. У шундай деган эди: ***"Мен 17 ёшимда қаердадир шундай ҳикматли гапни ўқиб қолувдим, у тахминан шундай эди: "Агар сиз ҳар бир кунни гўё ҳаётингиздаги сўнгги кундек ўтказсангиз, вақти келиб бунинг тўғрилигига амин бўласиз". Ўшанда бу ибора менда чуқур таассурот қолдирганди. Ўшандан буён 33 йил давомида ҳар гал тонгда кўзгуга боқиб, ўз-ўзимга савол бераман: Агар бугун менинг ҳаётимдаги сўнгги кун бўласа, фақат бугунга мўлжалланган ишларни қилган бўлармидим? Мен бироз фурсатдан сўнг, "йўқ" деб жавоб бераман ва ниманидир ўзгартиришим кераклигини англайман".***

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" шарҳловчиси

Рангин дунё

КЎҲНА ТАРИХ ВА АНЪАНАЛАРГА ЭГА ТЕАТР

Ковент-Гарден — Лондоннинг марказий туманларидан. Бу ерда кўҳна Друри-Лейн театри, Жамоат транспорти музейи сингари кўплаб диққатга сазовор меъморчилик обидалари жойлашган. Улар орасида энг машҳур иншоот, шубҳасиз, Ковент-Гардендаги қироллик театридир. Бугун бу театр Буюк Британиядаги энг йирик санъат кошоналаридан саналади.

Театр 1720-1730 йилларда режиссёр Жон Рич ташаббуси билан Жеймс Шепэрд ҳамда рассом Якопо Амигони лойиҳаси асосида бунёд этилган. Қироллик театрига асос солиниши билан у Друри-лейндан сўнг шаҳардаги драматик спектакллар намойиш этиладиган иккинчи театрга айланди. Ўша пайтда театр томошагоҳи 1 минг 897 кишини сиғдира олган. 1732 йил 7 декабрда театрнинг очилиш маросими доирасида инглиз драматурги Уильям Конгривнинг "Дунёвий урф-одатлар" пьесаси саҳналаштирилади. XVIII аср ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар театрда бир қанча актёрлар труппаси фаолият кўрсатган. Бу вақт оралиғида театр саҳнасида нафақат драматик, опера, балет спектакллари, балки цирк томошалари ҳам намойиш этилган.

Ковент-Гардендаги қироллик театрида намойиш этилган илк опера машҳур немис бастакори Георг Фридрих Генделнинг "Содиқ чўпон" асари бўлиб, у 1734 йилда саҳналаштирилган. 1737 йилга қадар театрда Генделнинг "Ариодант", "Альцина" опералари ҳам намойиш этилган. Қироллик театрида томошабинлар эътиборига ҳавола этилган илк балет – "Пигмалион" бўлиб, унда машҳур француз балетмейстери Мари Салле иштирок этган. XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб театрда мусиқали спектакллар, жумладан, Вольфганг Амадей Моцарт, Карл Вебер сингари машҳур бастакорларнинг опералари ҳам намойиш этила бошланди. Бироқ 1808 йилда юзага келган ёнғиндан сўнг театр биноси жиддий зарар кўради.

Театрнинг янги биноси 1809 йилда инглиз меъмори Роберт Смёрк лойиҳаси асосида қад кўтарган. Уч минг томошабинга мўлжалланган янги бинонинг очилиш маросими доирасида Уильям Шекспирнинг "Макбет" пьесаси намойиш этилади. Театр раҳбарияти муассаса биносини қуриш учун кетган сарф-харажатларнинг ўрнини қоплаш учун чипта нархини оширишга қарор қилади. Натижада театрга тушган томошабинлар спектакл пайтида ҳуштак чалиш, шовқин кўтариш, актёрлар ижросига халақит бериш билан бу қарорга норозилигини "изҳор эта" бошлайди. Икки ой давом этган норозиликлардан сўнг театр раҳбарияти чипталарни аввалги нархида сотиш лозим, деган қарорга келади.

1847 йилда театр Итальян қироллик операси деб қайта номланади ва драматик спектакллар унинг репертуаридан олиб ташланади. Қайси миллат тилида басталанганидан қатъи назар барча опералар 1892 йилга қадар итальян тилида янграган. Кейинчалик бунга барҳам берилади ҳамда ҳар бир опера ўз аслида ижро этила бошланади.

Театр 1856 йилда ҳам "тилсиз ёв"дан талафот кўради. Унга яна янги иншоот қуришга қарор қилинади. Театрнинг учинчи, яъни ҳозирги биноси 1857-1858 йилларда меъмор Эдуард Барри лойиҳаси асосида барпо этилади. Янги бинода илк бор Жакомо Мейербернинг "Гугенотлар" операси саҳналаштирилади.

Биринчи жаҳон уруши бошлангач, театр биноси омборхонага айлантирилади, Иккинчи жаҳон уруши пайтида эса хореография зали вазифасини бажарган. Уруш ниҳоясига етгандан сўнг, у Қироллик опера ва балет театри сифатидаги янги фаолиятини бошлайди. Театрнинг қайта фаолият кўрсатиши муносабати билан 1946 йилнинг 20 февралида рус бастакори Пётр Чайковскийнинг "Ўйқудаги гўзал" балети саҳналаштирилади.

Ўтган асрнинг 80, 90-йилларида Қироллик опера театри ўз репертуарини янада кенгайтиради. Унинг саҳнасида Александр Бородиннинг "Князь Игорь", Жоаккино Россинининг "Вильгельм Телль" ҳамда "Реймсга саёҳат", Гектор Берлиознинг "Фаустнинг ҳукм қилиниши" сингари опералари ижро этилди.

1997-1999 йилларда театрда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилади. Айни пайтда театр томошагоҳи 2 минг 268 томошабинга мўлжалланган бўлиб, саҳна пештоқнинг эни — 12,2, баландлиги — 14,8 метрдан иборат. Қироллик театри бўйлаб мунтазам равишда экскурсия ташкил этилади. Унда томошабинлар театрнинг яралиш тарихи, спектакларда актёрлар кийган либослар, декорациялар ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Ш. ҒАФФОРОВ

Маданий мерос

ЎТОВ — ХАЛҚИМИЗ АМАЛИЙ САНЪАТИ МАҲСУЛИ

Аждодларимиз уй-жой қуришда бой тажриба ва маҳоратга эга бўлган. Сурхон воҳасида шаҳарсозлик маданияти анча қадимийлигига Сополлитепа, Жарқўтон каби манзилгоҳлар яққол далил бўла олади. Воҳада доимий турар жойлар, асосан, пахса, хом ва пишиқ ғиштдан барпо этилган. Асрлар ўтиши билан ўзига хос меъморий маданият шаклланган.

Этнографик тадқиқотларга кўра, Сурхон воҳасининг ярим ҳудудида аҳоли қадимда асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Аҳолининг турар жойлари ҳам шунга мос мавсумий ва вақтинчалик бўлиб, турли номлар билан аталган: лочиқ, капа, чум, чайла, чодир, ертом, тўла, боғ том, "қора уй", яъни ўтов...

Бундай уй-жойлар маҳаллий аҳолига асрлар мобайнида хизмат қилиб келган. Улар орасида кенг тарқалгани ўтов бўлиб, милодий биринчи минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўлган.

— Воҳа иқлимига мос ўтовлар асосан икки қисмдан: сариқ тол новдасидан тайёрланадиган уйнинг асоси — керагаси увуқ ва чанғароқдан, уй устини ёпиб турувчи тўрлик эса узук ва туйнукдан иборат бўлган, — дейди тарих фанлари номзоди Тошкентбой Пардаев. — Уйнинг панжара қисми "керага", деб аталиб, улар 48дан 74 бошгача бўлган. Битта "Қора уй" тўрт керагадан иборат бўлиб, ҳар бир керага уйнинг тўртдан бир қисмини ташкил этган. Уни одамлар "қанот" деб номлаган. Қанотларнинг бирлашган жойи "жавсар" дейилган. Жавсарларга баландлиги олти ярим, саккиз ярим қарич узунликдаги қозиқлар қоқилган ва керагалар уларга ип билан маҳкамланган. Тўртала керага бирлаштирилиб, "қора уй"нинг панжара қисмини ташкил этган. Керагалардан ҳосил бўлган панжара катаклари "кўзанак" деб аталган. Кўзанакларнинг кенг, яъни ел ва тор кўзанак каби турлари бўлиб, воҳанинг ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолиси асосан тор кўзанакли уйлар тиклаган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли эса ел – кенг кўзанакли уйларда яшаган. Чунки ел кўзанакли уйлар нисбатан енгил ва ихчам бўлиб, кўчиш чоғида кўп жой эгалламаган. Ҳар бир қанотда 12 тадан чиноқ, яъни қулоқ бўлса 48 бошли, 16 тадан чиноқ бўлса 64 бошли "қора уй", деб аталган. Керага панжаралари керага кўки, яъни хўкиз ёки туя терисидан махсус тайёрланган тасмалар билан боғланган. Шунингдек, керага кўки "қора уй"нинг ошиқ-мошиғи вазифасини ҳам бажарган.

Бойсунлик ҳунарманд Ҳадича Раҳимбердиева аждодларимиздан мерос ўтовларни тиклаш ва жиҳозлаш ишларида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Бу ҳунарни сақлаш ва ёшларга ўргатишда ибрат бўлаётган ҳунарманд тайёрлаётган ўтовлар туманга ташриф буюраётган сайёҳлар ва меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётир.

— Ўтов тикишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тажриба ва анъанаси мавжуд, — дейди ҳунарманд Ҳадича Раҳимбердиева. — Хатто, биргина Бойсун туманининг ўзида ҳам ўтовларни турлича тиклашади. Бизнинг ўтовларимиз юқори қисмда оқ ва қора ранглари ишлатишимиз ва ички безакларда гулли нақшлардан фойдаланишимиз билан фарқланади. Ушбу ҳунар момомдан мерос, эндиликда уни фарзандларим ҳам давом эттиради...

Аввало, хонадонимизга келган меҳмон, албатта, эшик орқали киради. Олимлар воҳадаги ўтовларнинг эшиги "турди" деб аталишини қайд этган. Боиси ўтовни тиклаш аввал унинг эшигини

ўрнатишдан бошланади ва барча ишлар ана шу эшик асосида ривожлантирилади. Демак, эшикнинг "турди" дейилиши бежиз эмас,чунки у "уйни турғизмоқ", яъни тикламоқ маъносини англатади.

Уй ичидаги ҳарорат, албатта, мўътадил бўлиши жуда муҳим. Аждодларимиз қиш-қировли кунда ўтов ўртасидан ўчоқ қазиб, таомларни шунда тайёрлаганлар. Оловдан ҳосил бўлган чўғ устига сандал қўйилган. Бу шамоллаш, бод каби касалликларнинг олдини олишда фойдали саналган.

Уй эгалари ўтовнинг ташқи томондан ўраладиган жиҳозларига ҳам алоҳида эътибор берган. Ўтовнинг таркибий қисми бўлмиш "чийлар" эса ташқи муҳитдан ҳимоя, шунингдек, турли ҳашарот ва кемирувчилардан сақлаган. Чийлар беш-олти қарич узунликдаги қамишдан тўқилиб, керагаларга уланган. Бунда икки ёки учта чий етарли бўлган. Чий тўқишда маҳаллий хомашё — қамишдан кенг фойдаланилган. Қамиш аввал пўстлоғидан ажратилиб, беш ёки олти қарич узунликда қирқилиб тайёрланган. Сўнгра дастгоҳда эчки жунидан йигирилган шардозлар, яъни иплар ёрдамида тўқиб чиқилган. "Қора уй"нинг керага ва бўсағалари ўрнатиб бўлингандан сўнг керагадан жундан тўқилган боғиш ҳамда айил айлантирилган ва икки учи ён бўсағаларига тортиб боғланган. Бу керагаларнинг чўкиши ва қийшайишининг олдини олади.

Ангор туманининг Хўжанқо маҳалласида истиқомат қилувчи тиббиёт ходими Саодат Ваҳобова биз билан суҳбатда бобоси, кейинчалик онаси ўтов тикишда моҳир ҳунарманд бўлганини эслади. Онаси доимо қизининг бу ҳунарни ўрганишини истаб ёнида бирга олиб юргани, бунинг асл моҳиятини кейинчалик англаганини таъкидлайди.

— Онам Ашурой момо чевар ва тадбиркор аёл эди, — дейди Саодат опа. — Қишлоқ аҳли ҳанузгача онам тиккан либослардан фойдаланади. Айниқса, ўтов жиҳозларини тикканларида уйимизга бутун қишлоқ келарди, десам муболаға бўлмайди. Содда ва самимий одамлар онам меҳнатини маҳлиё бўлиб томоша қиларди. Онам ҳар бир ҳаракати ва ишини сўз билан изоҳлаб, ҳар қандай кишини шу ҳунарга қизиқтира оларди. Мен ҳам аждодларимиздан мерос бу ҳунарнинг йўқ бўлиб кетмаслиги учун қизиқувчиларга қўлдан келганча ўргатиб келаяпман.

Тарих фанлари доктори, профессор Сайфулла Турсунов ўтов борасида олиб борган тадқиқотлари ва кузатувларини қуйидагича баён этди:

— "Қора уй"нинг юқори қисми чанғароқ деб аталиб, у толдан эгик доира шаклида тайёрланади. Айланаси 8-9, қалинлиги эса бир қарични ташкил этади. Маҳаллий аҳоли уни "қасқоқ" деб атайди. Чанғароқ қасқоқининг устки қисмига толдан тайёрланган таёқлар гумбаз шаклида эгилиб, чанғароқ тепароғидан ўйилган биринчи қатор тешикларига жойланади. Таёқлар хоч шаклида кесилиб, ўрта қисми туя ёки хўкиз терисидан тайёрланган тасма билан боғланади. Чанғароқнинг асоси бўйлаб "чанғароқ солма" деб номланган қизил ип айлантирилади. Сурхон воҳасида "қора уй" асосини қўтаришда, яъни тик қилишда иккита увуқ эчки шоҳига ўхшатиб, эгилган жойлари бир-бирига қарама-қарши ҳолатда боғланган. Чанғароқ унинг ёрдамида баландликка кўтарилган ҳамда уч ёки тўрт аёл увуқларни чанғароқнинг пастки қатор тешикларига жойлаб, пастки қисмини керага мустаҳкамлаб боғлаган. Увуқлар чанғароқ тешикларига жойлангандан кейин эни 2-2,5 бўғин узунликда бўлган жундан гулдор қилиб тўқилган тизмалар билан мустаҳкамлаган. Қур увуқларнинг эгилган жойидан, тизманинг тагидан уйнинг бутун айланасига тутилган. Қур жундан гулдор қилиб тўқилиб, эни 1,5-2 қарич узунликда бўлган. "Қора уй"нинг ичкариси қизил гулли, жундан тўрлаб, сачиқлари қуббали қилиб тўқилган гулдуровуқ эса қурнинг тагидан тутилган. "Қора уй"нинг устки қисми кигиздан тайёрланган иккита узук ҳамда тўртта тўрлиқ билан ёпилган. Кераганинг пастки қисмини тўрлиқлар ёпиб турган. Ёзнинг иссиқ кунларида тўрлиқлар белдовга йиғилиб, салқин бўлиши учун чийлар очиб қўйилган. "Қора уй"ларда сандал, ўчоқларнинг тутунлари ўтов чанғароғининг туйнуги орқали чиқариб юборилган. Туйнук эса кигиздан қилинган. Тўртта уч қулоч узунликдаги туйнук боғи – арқонлари, уйнинг тўрт томонидан пастга тушиб турган. Туйнукни очиб-ёпишда ана шу боғлардан фойдаланилган. "Қора уй"нинг эшиги нарвон шаклидаги икки қанотли "эрганак" бўлиб, унинг устидан уч қулоч узунликдаги махсус чий ва кигиз қопланган эшик ёпқич тайёрланган. Эшик ёпқичнинг тепа қисми узукка бирлаштирилган бўлиб, иссиқ вақтларда кўтариб қўйилган. Ҳаво совуганда тушурилиб, уй эшиги беркитилган. Ёғингарчиликда ўтов ташқарисидан "кўр", яъни ариқча қазилиб, ёмғир ва қор сувлари унга туширилган. "Қора уй"нинг яна "оширма" арқонлари ҳам бўлиб, у чанғароқ устидан оширилиб, икки томонга қоқилган қозиқларга боғланган, ўтовни довул ва шамолларидан асраган. Ўтов ичига доимий равишда бўйра тўшалиб, унинг устидан кигиз ташланган. Бўйра ердаги намликни ўтказмаган.

Ўтовлар ҳақидаги маълумотларни батафсил келтиришимиз, албатта, бежиз эмас. Чунки бой тарихимиз ва бебаҳо қадриятларимиз жамулжам бўлган ўтовларда аждодларимизнинг ақл-заковати, неча асрлик ҳаёт тарзи яшаб келмоқда.

Бугун ўтов қуриш, уни безаш билан боғлиқ кўникмаларга эга бўлганлар кам учрайди. Шу боис биз ўтовларни фақат Наврўз байрамига бағишланган халқ сайлларидагина кўрамиз. Зеро, ундан туризмни ривожлантириш, ноанъанавий сайёҳлик тизимини шакллантириш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳа, бир бор ўтовга кирган киши худди тарихга, ўтмишга саёҳат қилгандек бўлади. Ўтмишга саёҳат эса доимо завқли ва мароқлидир. Шу боис мозий нафаси-ю, аждодлар диди ва маҳорати, қалб қўри сингган амалий санъатимизга ёшларимизни кўпроқ ошно этиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир. Зеро, юксак дид ва маҳирлик билан яратилган амалий санъат дурдоналари халқимизнинг ўша давр ҳаёти, касб-кори ва санъатини ўрганишга даъват этади.

Баҳром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ
ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ЯЛЛИҒЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Саломатликнинг энг муҳим омилларидан бири тўғри овқатланишидир. Организм учун зарур витаминларга бой озиқ-овқат истеъмол қилмаслик оқибатида турли касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Стоматит ўзи мустақил касаллик сифатида кечиши ёки бошқа хасталиклар (қизамиқ, қизилча, грипп, тил оқариши) белгиси бўлиши ҳам мумкин. У оғиз бўшлиғи яллиғланиши, моддалар алмашинувининг бузилиши, витамин етишмаслиги (авитаминоз), асаб ва ички секреция безлар фаолиятининг издан чиқиши оқибатида пайдо бўлади. Чекиш, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, жуда иссиқ ёки ўта совуқ, нордон ва шўр таомлар истеъмоли ҳам оғиз яллиғланишига олиб келади. Яллиғланиш сабаблари ва кечишига қараб, касаллик бир неча турга бўлинади.

Катарал яллиғланишда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати қизаради, кўп миқдорда сўлак ажралади, овқатланиш вақтида оғриқ кучаяди. Ярали невротик яллиғланиш кўпинча болаларда, баъзан катталарда ҳам учрайди. Бунда милкда йирингли яра пайдо бўлади. Бемор қувватсизланади, ҳарорати кўтарилади, оғиздан ёқимсиз ҳид келади, овқат ейиш қийинлашади.

Афтоз яллиғланиш умумий қувватсизлик, оғизда сарғимтир парда билан қопланган юзаки яралар ҳосил бўлиши билан кечади — оғриқ кучаяди, ҳарорат кўтарилади, овқат ейиш ва гапириш қийинлашади. Афтоз яллиғланиш айрим дорилар, кимёвий моддалар таъсирида пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Ўткир яллиғланиш оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг жароҳатланиши оқибатида пайдо бўлади. Жароҳат турли сабаблар: нотўғри ўрнатилган тиш протези, ўткир учли буюмлар билан тишни эҳтиётсиз ковлашдан келиб чиқади.

Оғиз бўшлиғи яллиғланишининг олдини олиш учун доимий гигиена қоидаларига риоя қилиш, дори-дармонларни палапартиш ичишдан сақланиш, жароҳатланишлардан ҳимояланиш, тўғри овқатланиш (айниқса, витаминларга бой маҳсулотлардан истеъмол қилиш) лозим. Одатда, стоматитни даволаш махсус муолажаларни талаб этмайди. Оғизни антисептик хусусиятга эга воситалар: мойчечак ва қорақайин дамламаси билан чайиш яхши наф беради. Шунингдек, яллиғланиш тезроқ тузалиши учун анор пўстлоғини 5-6 дақиқа сувда қайнатиб, унда оғизни тез-тез чайиш керак. Бир ошқошиқ саримсоқ шарбатига 4 ошқошиқ қайнатилган сув қўшиб, чайилса, оғиз бўшлиғи яллиғланишига даво бўлади.

Саримсоқ — микробларни ўлдиришда самарали восита. Ибн Сино тут меваси ва унинг ширасидан яллиғланиш, оғиз бўшлиғи тошмаларини даволашни тавсия қилган. Мармарак ўти дамламаси билан оғизни чайиш эса нафақат стоматитда, балки тиш ва милклар учун ҳам фойдали. Алоэ шарбатини яллиғланган жойга суртиш ёки тозалаб ювилган япроғини чайнаш ундаги йирингларни бартараф қилади. Хом картошкани қирғичдан ўтказиб ёки юпқа кесиб, ярага қўйиш керак. Сабзи ёки карам сувини оғизнинг яллиғланган қисмида ушлаб туриш осон ва самарали усул ҳисобланади. Стоматит безовта қилган вақтда, тишларни 2-3 маҳал тиш пастаси билан ювишни канда қилмаслик лозим. Чунки паста таркибида бактерияларни ўлдирувчи воситалар бўлиб, у стоматитдаги яллиғланишларни ҳам камайтиради. Касалликка чалинган бемор бир муддат аччиқ, иссиқ, нордон, қаттиқ овқатлар истеъмол қилмай турғани маъқул.

Табиат дарсхонаси

АЙДАРКЎЛ — НОЁБ ТАБИИЙ ҲУДУД

Мамлакатимиз бой табиати ва ноёб биологик ресурслари билан ажралиб туради. Юртимизда тўрт минг саккиз юздан ортиқ ўсимлик, қариб ўн олти мингга яқин ҳайвонот тури учрайди. Уларнинг муайян қисми камёб бўлиб, фақат биз-нинг минтақамизда мавжуд. Ушбу ноёб табиий бойликларни асраш, йўқолиб бораётган турларни кўпайтириш, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш, табиатга инсон омили салбий таъсирининг олдини олиш юртимизда амалга оширилаётган экологик ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидандир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўттизга яқин қўриқхона, миллий табиат боғлари, ноёб ёввойи ҳайвонларни асраш ва кўпайтиришга ихтисослашган марказлар, табиат ёдгорликлари ташкил этилган. Мамлакатимизда 505 сув омбори ва 500 кўл мавжуд. Улар орасида энг йириги Тузкон, Арнасой ва Айдаркўлдан таркиб топган Айдар-Арнасой кўллар тизимидир. Марказий Осиёдаги энг катта мазкур сув ҳавзасининг узунлиги 350, эни 45 километрни, чуқурлиги эса 45 метрни ташкил этади.

Аслида Айдаркўлнинг пайдо бўлганига кўп бўлгани йўқ. 1969 йилгача унинг ўрнида кичик-кичик шўр кўллар бўлган. 1968-1969 йилларда ёғингарчилик ҳаддан ташқари кўп бўлиши туфайли Сирдарё оқимининг бир қисми Чордара сув омбори ва Арнасой орқали Айдар ботиғига оқизилади. Шу тариқа табиатнинг камёб ҳодисаси рўй беради: сахро қўйнида улкан кўл ҳосил бўлди. Айдаркўлнинг бир томони Шарқий Қизилқум чўли, яна бир тарафи Нурота тизма тоғлари билан туташиб кетган.

Рамсар конвенциясининг халқаро аҳамиятга эга бўлган сувли-ботқоқли ҳудудлари рўйхатига киритилган Айдар-Арнасой кўллар тизими Жиззах вилоятидаги Оқбулоқ, Сангзор дарёсининг Қийли ва Арнасойга қуйилаётган Марказий Мирзачўл ташламаси оқими ҳисобига тўйинади. Кейинги пайтда кўлларга сув тушиш ҳажми камайиши оқибатида унинг сатҳи пасайиб, минераллашув даражаси ортяпти. Бу, ўз вақтида, сув ҳавзасини барқарор сув билан таъминлаш масаласини ҳал этишни тақозо этади. Зеро, Айдар-Арнасой кўллар тизими минтақада биохилма-хилликни асраш, ҳайвонот ва наботот турларини



сақлаш, ноёб қушларни кўпайтиришда беқиёс аҳамиятга эга.

...Мамлакатимиздаги энг катта табиий кўл ҳисобланган Айдаркўлнинг табиати мўътадил. Эрта тонгдан қуёш бўй кўрсатгач, теварак-атроф қирмизи тусга киради. Сув сатҳи минг бир жилоланиб, ўзгача жозиба касб этади. Бу ерда қушларнинг баланд овоздаги шовқин-суроні эшитилиб туради. Айниқса, соқақушлар шовқини олис-олисларгача садо беради. Бу ердаги қушларни ўтроқ ва кўчиб юрувчилар тоифасига ажратиш мумкин. Муқим яшайдиган қушлар сирасига қорабузов, оқбош ўрдак, қашқалдоқ, қирғовул киради. Илгари кўлда қорабузов ва чағалайлар бармоқ билан санарли даражада эди. Энди улар сони кўпайиб, бошқа сув қушларининг тури ҳам ортиб бормоқда. Улар гала-гала бўлиб, товушсиз ҳаракат қилиб сувнинг тебранишидан ўз ўлжасини осонгина топади. Шунингдек, қирғоқ бўйидаги ўсимликлар ва дон-дунлар билан озиқланиб, етарли ёғ заҳирасини тўплайди.

Қушларнинг кўчиб юриши яшаш тарзини белгилайди. Айдаркўлнинг суви қиш фаслида ҳам музламагани учун минглаб турфа қушлар гала-гала бўлиб, арғимчоқ ҳосил қилиб, узоқ Сибир ва Урал ортидан учиб келади. Шулардан соқақуш, қорабузов, оқбош ва олақанот ўрдаклар, оқ пешонали ва қизилтомоқ ғозлар, ноёб ва камёб оққуш ҳамда турналар бир-бири билан ўзаро хабар алмашиб, озуқа мўл бўлган жойларни топади.

Йиртқич қушлардан оқдумли сувбургути ҳамда сувқирғийлар ўткир кўзли айёр "овчилар"дир. Улар худди яшиндек тез ҳаракатланиб, балиқларни оёқ панжалари билан осонгина тузоққа илинтиради. Оққушлар — "кўл маликалари" — қордек оппоқ, тумшиғи сариқ тусда, кўриниши чиройли бўлгани билан жуда ҳуркак бўлади. Энг қизиғи, бўйни тана узунлигига тенг.

Нодир парранда ҳисобланувчи кулранг ғознинг ҳам ташқи кўриниши жуда фусункор — устки қисми кулранг, қорин томони оқ патлар билан қопланган, тумшуғи эса қизил рангда. Оёқ панжалари пардали бўлганидан сувда тез ва яхши сузади, учиш олдидан эса бироз югуриб, ҳавога аста-секин кўтарилади.Уни кўпроқ қамишли ҳавзаларда учратиш мумкин. Кулранг ғоздан ташқари ёввойи ва кўк ғозлар ҳам мавжуд. Улар бу ерга қишлаш учун учиб келади.

Сўнгги пайтларда Айдаркўлда балиқхўр қушларнинг қоравой, қашқалдоқ ва соқақуш каби турлари кўпайиб бормоқда. Аёзли қиш кунлари улар сафига бошқа ҳудудлардан учиб келган қушлар ҳам қўшилади. Аксарияти ҳавза бўйлари ва ботқоқ ҳудудларни макон тутади. Шимолдан учиб келган бу қушлар кўлда тўхтаб, озиқланиб ва куч тўплаб, яна сафар тадоригини кўради. Айдаркўл улар учун карвонсарой вазифасини ўтайди.

Қиш ва баҳор ойлари кўлнинг сув сатҳи кўтарилиб, қирғоқдан тошади. Бу янги сув ҳавзаларини вужудга келтиради. Қирғоқ бўйлаб бораркансиз, қизил шўразор ва шувоқзорларга дуч келасиз. Кўлнинг қумли соҳили кўриниб, юлғун ва қамишзорлар эътиборингизни тортади. Саксовул шохларининг танаси йўғонлашиб кетганини дарров илғайсиз. Улар қишда қушларга бошпана, ёзда соябон вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, йирик буталар, қуёнсуяк, черкез, қандим каби чўл ўсимликлари ҳам борки, улар қум кўчкиларининг олдини олади...

Айдаркўл соҳилларида ўтган ҳар бир лаҳза киши руҳиятини кўтариб, кўнгилларни худди кўлнинг мавжланиб турган мовий ва мусаффо томчиларидек тозартиради. Шунда беихтиёр ҳаёлдан "инсон — табиатнинг бир бўлаги. У ўз эҳтиёжи учун барча маҳсулотни табиатдан олади. Шундай экан, юртимизнинг гўзал ва бетакрор табиатини кўз қорачиғимиздай асраб-авайлаб, ундан эҳтиёткорона ва омилкорлик билан фойдаланиш, ҳайвонот ва наботот турларини муҳофаза қилишга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир", деган иштибоҳ ўтиши, шубҳасиз.

Абдулла САИДОВ,
журналист

ТУРФА ОЛАМ

ЧАНҒИ-АВТОМОБИЛЬ

Японияниг "Nissan" компанияси (АҚШдаги филиали) қорли йўлларга мўлжалланган "370Zki" номли автомобил намунасини ишлаб чиқарди.

Автомобилда олди ғилдираклар чанғилар, орқадагилари эса ғилдирак вазифасини ўтовчи тишли занжир тасмалар билан алмаштирилган. "Nissan" муҳандислари машинани яратиш жараёнида "370Z"нинг ғилдирак аркаларини кенгайтириш ва машина кузовини 3 дюйм (8 сантиметр)га кўтаришига тўғри келди.

Машина 3,7 литр, 6 цилиндр, 322 от кучига эга ёнилғи двигатели ҳамда 7 поғонали автоматик узатмалар қутиси, янгиланган тормоз тизими билан жиҳозланган. Кузов тирналишлардан ҳимояловчи махсус елимли қатлам билан ҳам қопланган.

Бу машина япон компаниясининг бундай туркумдаги автомобиллар яратишдаги биринчи тажрибаси эмас. Компания 2016 йилда "Rogue" кроссовери негизида "Warrior" автомобилини ишлаб чиқарган эди. Машина кузовнинг остки қисми ердан 58 см баланд бўлгани эвазига у 45 даражали қорли нишабликлардан ўта олди, энг юқори тезлиги эса соатига 100 километрни ташкил қилди. У ҳозирча ягона нусхада яратилган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши партиядан халқ депутатлари Бухоро туман Кенгашига сайланган депутат **Зилола САЙФУЛЛАЕВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ
Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 216, Адади — 10024. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 23.10. Топширилди — 02.20.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56